

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

«Ўзбек ва хорижий тиллар» КАФЕДРАСИ

Ўзбек мумтоз шеърляти асослари маърузалар матни

Тузувчи: филология фанлари номзоди, доцент в.б. С. Р. Рахмонова

Такризчи: ф.ф.н, доцент в.б С.Хамдамова

Тошкент – 2015 й.

Биринчи мавзу

Мумтоз шеърят хақида тушунча.

Мундарижа ва шакл.

Адабиёт: Ўзбек адабиёти бўстони. Кўп томлик, “Қадимий ҳикматлар”. Т., 1987; Т.: Маллаев Н. М. Ўзбек адабиёти тарихи Т.: “Ўқитувчи” 1963, 1976; Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб – Т.: “Ўзбекистон”, 1997; Қаюмов А. Қадимият обидалари. Т.: 1972.

Ўзбек адабиёти ўзбек халқи тарихи, маданиятининг ажралмас қисмидир. Бу адабиёт ўзининг қадимийлиги ва салмоқли намуналари билан жаҳон маданияти хазинасида ўз ўрни ва мавқеига эга.

Маълумки, адабиёт *сўз санъатига* асосланади. Бадиий адабиёт *борлиқни бадиий акс эттиради*. Унда инсон, инсон манфаати асосий муаммодир. Адабиёт инсонни шундай тасвирлайдики, унинг фикрлаш тарзи ҳам, руҳий ҳолати ҳам, табиат ва жамият ҳодисаларига муносабати ҳам, ташқи қиёфаси ҳам, ҳатти – ҳаракатлари ҳам акс этади. Акс этганда ҳам бадиий образлар ёрдамида, бадиий тасвир воситалари орқали акс этади. “Бадиий акс эттириш” деганда, борлиқни ҳаётӣ, жонли манзараларда ўқувчида эстетик завқ уйғота оладиган даражада қилиб тасвирлаш тушунилади.

“Образ” ва “образлилик” сўзи кенг маънода табиат ва жамият ҳодисалари, инсон ҳаёти ва характерини аввал умумлаштириб кейин индивидуаллаштириб тасвирлашни билдиради.

Адабиётнинг замирида ўша халқнинг миллий маданияти, маънавияти ётади.

Адабиётимиз тарихи мафкура билан боғлиқ ҳолда, фақат асрлар билан чегара белгилаб ўрганилиб келган. Илм – фан, маданият соҳасидаги юксалиш, турғунлик ва таназзул ижтимоий ҳаёт, давлат тузуми билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбек адабиётининг тараққиёт босқичларини қуйидагича белгиласак, мақсадга мувофиқ бўлади.

1. Эрамиздан аввалги давр адабий ёдгорликлари.
2. Исломгача бўлган давр адабий ёдгорликлари.
3. Ислом маданиятининг шаклланиш даврида туркий адабиёт.
4. Чиғатой даври адабиёти.
5. Темурийлар даври адабиёти
6. Хонликлар даври адабиёти.
7. Ўзбек демократик адабиёти.
8. Миллий уйғониш даври адабиёти.
9. Шўро даври адабияти
10. Мустақиллик даври адабиёти.

Энг қадимги адабий ёдгорликлар милоддан аввалги VI асрга мансуб.

Улар икки турдаги ёзма манбаларда сақланиб қолган:

1. “Авесто”даги афсоналарда (Митра, Анахита, Каюмарс, Жамшид...).
2. Қадим Юнон муаллифларнинг асарларида – қадимий қиссалар (Оморг ва Спаретра, Тўмарис, Широқ, Зариандр ва Одатида).

“Авесто” китоби милоддан олдинги VI асрда юзага келган. У зардушт динининг муқаддас китобидир. Берунийнинг ёзишича, зардушт Эрон шахзодаларидан бўлган. Дунё кезиб (Ҳиндистон, Бобилда), кўп илмларни ўрганган. Тиб илми, фалакиётга оид маълумотларни тўплаб бадий қиссаларгача ўз ичига олган “Авесто” китобини яратган.

“Авесто” дунёда эзгу ва ёвуз кучлар ўртасидаги муттасил курашни, қарама – қаршилиқни ҳаётнинг асоси деб олган. Эзгу кучлар бошлиғи – Ахура Мазда; Ёвуз кучлар сардори – Ангра Маню (Ахриман); Митра – қуёш худоси. У кишиларга нур, иссиқлик, бахт – саодат бахш этади. Душманларга даҳшат солади, кишиларни офатдан сақлайди. Мислсиз қудратга эга паҳлавон.

Анахита – зироат, ер – сув ва унумдорлик маъбудаси. Қаямарс – Ахура Мазда яратган биринчи одам. Ахриман узоқ давом этган кураш натижасида Қаямарсни нобуд қилади: унинг одам қисмидан эркак, аёл, маъдан юзага келган. – Ҳўкиз қисмидан эса 55 хил дон, 12 хил кўкат, 272 хил ҳайвонот вужудга келади.

“Авесто”да ва бошқа асарларда баён этилган афсоналардан бири Жамшид – Йимфа тўғрисидаги афсонадир. Жамшид – адолати ҳукмрон тимсоли. Унинг даврида иссиқ – совуқ қариш, ўлим бўлмаган; Ер сатҳи уч баробар кенгайган, чорва кўпайган ва ҳоказо.

Қадим юнон тарихчилари эслатиб ўтилган ёе афсоналар. “Аморг ва Спаретра”, “Тўмарис”, “Широқ” афсоналари.

Афсона ва кисса. Муайян тарихий ҳодиса ёки кечмиш воқеани фантастик тарзда тасвирловчи асар *афсона* дейилади (фусун – сеҳр, авраш, макр сўзидан).

Ривоя усулида яратилган, сўзлаб бериш учун мўлжалланган адабий ва тарихий асарлар (ҳикоят, ривоят, баъзида афсоналар ҳам) *қисса* дейилади.

Афсона ривоятлар вазнсиз, қофиясиз бадиий нутқ шаклида яратилган бўлса, насрий асар

Милоддан исломгача бўлган давр битиглари. Энг қадимги даврда ва VI – VII асрларда тошга ўйиб ёзилган *адабий – тарихий лавҳалар* сақланиб қолган. Уларнинг аксарияти Ўрхун – Энасой ёдгорликларидир.

Энасой ўрхунлари ёдгорликлари ҳукмдорлар қабр тошига ўйилган ёзувлардир. Уларда ўша шахсларнинг ҳаётига оид маълумотлар: қайси жангларда қаҳрамонликлар кўрсатишгани, кимларга қарши кураши баён этилган.

Бу ёдномалар тарихий воқеалар ва тарихий шахслар тўғрисида маълумот берилгани, халқнинг моддий ва ижтимоий – сиёсий ҳаёти тўғри акс этганлиги билан ҳам қимматлидир.

712 – 716 йилларга оид Тунюқуқ битиги иккинчи турк хоқонлигининг асосчиси Элтариш хоқоннинг маслаҳатчиси ва саркардасига қўйилган. Билга хоқоннинг маслаҳатчиси бўлган. Тунюқуқ бу ёзувларни ўзи тириклигида ёздириб тайёрлатиб қўйган. Тош Баин – Цокто деган ерда топилган ва ҳали ҳам ўша ерда сақланади.

Битикда туркийларнинг душман қабилаларига қарши кураши, Тунюқуқнинг халқ олдидаги хизматлари ҳикоя қилинади. Моҳир саркарданинг донолиги, тadbиркорлиги, жасорати ғалабалар гарови сифатида таъкидланади.

Битиклар жанрига кўра адабий – тарихий лавҳалардир.

Биз улардан: кимлар қачон, қаерда ва қандай ҳукмронлик қилгани, ўша даврда муайян ҳудудда қандай халқлар ва элатлар яшагани; уларнинг ўзаро муносабатларини билиб оламиз.

Қаҳрамонлар Ҳаёти бирма – бир ҳикоя қилиб борилади. Жумладан, Кул – Тегин (хоннинг укаси) ўз халқи мустақиллиги учун курашади; ташқи душманлардан дадил туриб ғимоя қилади.

Афсона, ривоят, ёдномаларининг баён тарзида аллитерация (нутқда товушларнинг мос келиши) муҳум ўрин тутади. Ҳар бир сўз аниқ тартиб билан жойлаштирилади. Улардаги кўтаринки рух – дидактик шеърларда, мунгли оҳанг – мотам марсияларида яққол кўзга ташланади. Шеърларда, истиора, ўхшатиш ва бошқа бадий тасфир восиятлари жуда ўринли ишлатилиб халқларни душманга қарши биргалашиб курашишга, ватанпарварликка чақирилган.

Битигларда баён эгил воқеалар реал тарихий асосга эга. Улар халқ оғзаки ижоди мотивлари билан боғлиқ бўлиб, ёзма адабиёт тарихида алоҳида ўрин тутади. Битикларда қаҳрамонлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик ғоялари улуғланган.

Иккинчи мавзу

Анъана ва янгича ёндашув усуллари

Адабиёт: Адабий мерос намуналари. Кошғарий Маҳмуд. Девону луҳатит – турк. Уч томлик, Т., 1960 – 63; Маҳмудов Қ. Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул – ҳақойиқ” асари ҳақида. Т., 1972; Коллектив. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. Т., Фан, 1977 – 80.

Ислом VIII аср бошларида Марказий Осиё ўлкаларига кириб келди (706 – 715). Аммо бу минтақада ислом ақидаларининг ёйилиши осон кечмаган. Исломдан олдинги маънавий бойликларнинг барчасига жоҳилия даври – иллатлари деб эълон қилинди. Бу давргача муомалада бўлган Авесто, Хорезм, Сўғд, Уйғур, Руний Ўрхун – Энасой) ва бошқа ёзувдаги обидалар йўқ қилинган (Беруний эсдаликлари).

Ислом маданияти шаклланишида арабларгина эмас, балки ислом минтақасидаги барча қатнашди. Шу боис туркий адабиёт билан узвий алоқада ривожланади.

Шу боис ўзбек адабиёт сарчашмалари ҳақида аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун ўша даврларда араб ва форс – тожик адабиётларида аҳвол қандай бўлгани билан ғиҳоятда қисқа бўлса – да, танишиб ўтайлик:

Адабий алоқалар ва адабий жанралр тарихидан.

Араб адабиёти. Исломгача бўлган араб адабиёти оғзаки тарзда ривожланган бўлиб унда фақат қасида жанри мавжуд эди. 50 ва ҳатто 100 байтгача шеърий мисра дан иборат бу шеърий шаклдан бошқа шеърий жанрлар ажралиб чиққан. Қасида мазмунига кўра марсия, мадҳия ёки ҳажвиёт бўлиши мумкин.

Арабларнинг биринчи ёзма ёдгорлиги “Қуръон” бўлиб, у қофияли наср (сажъ)да ёзилган. Илк ислом даврида шеърият қораланган. Шеъриятда ислом дини тарғиб тошвиқ этила бошлаган, эдилар. Уммавийлар даврида (661 – 750 йиллар) бу, айниқса, кенг ёйилди. Бу даврда мадҳ ва ҳажвдан иборат қасида ва сўзлаб бериш учун мулжалланган қисса эпик (насрий) жанр бор эди.

VII – VIII аср араб адабиётида бадавий шоирлар ҳам кўп учрайди. Булар орасида Жамил (вафоти тахминан 701 йил), Қайс ибн Мулаввах –

Мажнун, Қуйс ибн Зоҳирлар машҳур бўлган. Шоирлар диний билан бир каторда, майни, шодон ҳаётни куйлашган. Бадавий шоирлар ишқий шеърлар ижод этишган.

Бу давр адабиётидаги ишқий шеърятда ошиқ – маъшуклар ҳақидаги қиссалар алоҳида ўрин тутди. Бу қиссаларда кўпроқ, Узро қабиласида рўй берган фожиаи муҳаббат куйланган. Унда ошиқ шоир ва унинг маҳбубаси ўртасидаги оташин муҳаббат мадҳ этилган. Севишганлар турли бахтсизлик ва тўсиқларга учрайдилар, ва чин муҳаббат йўлида ҳалок бўладилар. Бу ҳилдаги қиссаларнинг қаҳрамонлари: Ура ва Аффа, Қайс ва Лубна, Жамил ва Бусайна, Мажнун ва Лейли, Қусайр ва Аззадир.

VII – VIII асрларда девон тузиш анъаналари бошланган. Араб мумтоз адабиёти аббосийлар сулоласи даври (VIII – VII аср)да гуллаган. Араб бўлмаган шоирлар ижоди бу давр адабиётида асосий ўрин тутди. Бу даврдаги назмда зухдиёт ва насрда ривоятлар – қадимгилари тўпланди, янгилари яратилди. Паҳлавий тилидан бадий насрий таржималар юзага келди. Бу давр араб адабиётида мақом жанри пайдо бўлди. Бу халқ оғзаки ижодига яқин жанрдир.

XII асрга келиб, янги насрий жанр – қаҳрамонлик қиссалари пайдо бўлди. Кўп жилдли “Сийрат анаттра” ва “Минг бир кеча” шу давр маҳсулидир.

Эрон адабиёти. Қадимий форсий тилда “Авесто” яратилган (эр. Ав IV аср). Бу уларнинг биринчи ёзма ёдгорлигидир. Кўпгина асотир ва афсоналарни ўзида мужассамлаштирган.

Аҳмонийларнинг миххатларида (эр.ав. 558 – 330 йиллар) қаҳрамонлик эпоси ва подшоҳ солномалари (Македонскийгача) мавжуд. Сосонийлар (224 – 651) даврида “Калила ва Димна” таржима қилинди. Юнон тилидан кўп таржималар пайдо бўлди. Араблар тасарруфида ги ҳудудда олимлар, ижодкорлар араб тилида ижод қилинди.

Сомонийлар сулоласи ҳукмрон даврда тарихчилар, шоирлар араб тили билан бир қаторда, самонийлар давлати расмий тили форс тилида ҳам (884 – 954), Фирдавсий (940 – 1020), Носир Хусрав (1004 – 1088), Умар Хайём (1040 – 1123), Низомий (1141 – 1203) етишиб чиқди; Бу даврда Ўрта ер денгизидан Ҳиндистонгача бўлган ҳудудда шоирлар форс тожик тилида асарлар ёздилар.

Бу даврда Бухора шаҳри сомонийлар салтанати пойтахти бўлиб, унга ўз давлати – Мовороуннаҳр, Хуросон, Шимолий ва шарқий Эрондан ташқари Хоразм, Сейистон, Журжон, Решт, Ғазни, Мозандарон, Табаристон салтанат тасарруфига кирган.

990 йиллардан туркий халқлар яғмо қабиласи атрофида бирлашиб, ўз давлатини барпо этди. Бу – Қорахонийлар давлати эди. Шарқий Туркистон ва Еттисувда бошланган бу бирлашув кўп ўтмай, Бухоро ва Самарканд, Ўтторни, қамраб олди. Пойтахти Қошғар, Болосоғун (Тўқмоқ яқинида), Ўзган, Қошғарда бўлган; Биринчи ҳукмдори – Абдукарим Буғрохон (Қорахон).

X асрда араб ва форс тиллари билан бир қаторда, туркий тил ҳам муомалага кириб келди. Мадрасаларда алгебра, геометрия, минералогия, астрономия дан тортиб илми ҳикмат, илми бадеъ каби илмларгача ўргатилган. Араб, форс ва туркий адабиётлар уйғун ривожланган.

Бу давр адабиёти йирик намояндаларидан бири болосоғунлик Маҳмуд Қошғарий дир унинг бобоси Қошғардан, ўзи араб тилини яхши ўзлаштирган; ўз тили, урф – одотлари ва халқ оғзаки ижодига қизиққан. Юртма – юрт кезиб, материал йиққан.

Асарлари: “Жавоҳир ун – наҳв фи луғатит – турк” ва “Девону луғатит – турк”.

“евон” муқаддимасида муаллиф асарнинг яратилиши сабаблари, ўз иш усули, асарнинг тузилиши, туркий сўзларнинг ясаилиши, турк қабилалари каби масалаларга тўхталиб ўтади.

Иккинчи (асосий, луғат) қисмда 6 мингдан зиёд туркий сўз нинг луғавий маъноси арабча изоҳланган. Бу сўзлар барча туркий тилларга грамматик хусусиятлари жиҳатидан алоқадор бўлганидек, ўзбек тилининг қадимги негизлари билан ҳам таништиради. “Девон” туркий тиллар изоҳли луғати бўлиши баробарида унда айрим сўзларни изоҳлаш учун 330га яқин шеърий парча, жуда кўп мақоллар, бир дунё ҳикматли сўзлар, кўшиқлар келтирилган. Ундаги сажъ, наср, ражас деб аталган парчалар қадимий адабиётимиз намуналаридир. Унда “Алп эр Тўнга” (Афросиёб), Искандар ва бошқалар ҳақидаги халқ орасидаги афсона ва ривоятлар ҳам учрайди. Илк мунозара жанри намунасини шу асарда учратамиз (“Ёз ва Қиш мунозараси”)

Панд:

Борди қадим донолар

Тоғдек юксак билимда

Эслаб ўғитларини

Қуванч ортар дилимда

Ўғит:

(1-т. 115-116-бет)

Бахил мезбон меҳмонини ўғри кўрар

Берганини миннат қилиб юзга урар;

Бу мисоллар Кошғарийгача бўлган давр адабиётимиз мавзу ва жанрларга бойлигидан далолат беради: уларда ҳаёт адабий эмаслиги, мол дунё улуг ташвиш чеким ўринсизлиги, кераглиг; яхши фазилатларга интилиш кераклиги, кек сақламаслик ва ўч олишдан тийилиш, кишиларга фақат яхшилик қилиш, тилдан фақат яхши сўз чиқиши кераклиги уқтирилади.

Девонда ёшлик, муҳаббат мавзуидаги парчалар ҳам учрайди.

Севги дарди қўймайди,

Соғинч яна қийнайди.

Кўнглим унга тўймайди,

Юзим менинг сарғаяр

Ёки:

(1-т. 99-бет.)

Айтдим унга: эй жонон,

Хуш келибсан биз томон.

Йўллар эди кўп ёмон,

Сахро – ю кирдир бу ён.

(1-т. 199-бет.)

Кўнглим унга қайнайди,

Юракларим ўйнайди,

Энди келиб бағримга,

Хордирмайин кўймайди.

Бироқ шоир ёшлик ҳуснига ишонишлик сувга суяниш билан баробар, деб ҳисоблайди ва эҳтиёт бўлишга чорлайди.

Бу асарда халқ оғзаки ижоди намуналари жамланган. Унда:

- Меҳнат кўшиқлари
- Қаҳрамонлик кўшиқлари
- Маросим кўшиқлари
- Мавсум кўшиқлари
- Табиат мадҳ этилган кўшиқлар мавжуд.

Қошғарийгача бўлган давр адабиётида ҳам ахлоқ одоб мавзуси етакчилик қилган “Ардам боши – тил” – “Адаб боши тил” – дейилган.

Асарда йўл – йўлакай бўлса – да, баъзи адабий жанрлар. Жумладан: вазн, истиора, ўхшатиш ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Бу ўша даврда ҳам адабиёт назариясига оид масалалар илмий асосда ўрганилганидан далолат беради.

Юсуф Хос Ҳожиб. “Кутадғу билиг”. Адиб бу асарини ёши 50 га яқинлашганида ёзади. Дастлабки маълумотни у ўз она юрти Боласоғунда олади. Форс ва араб тилларини яхши ўзлаштиради. Бу тиллардаги бадиий адабиёт билан яқиндан танишади. Тарих, фалакиёт, математика, жўғрофия ва

бошқа фанларни қизиқиб ўрганади. У асарида Ибн Синонинг ахлоқий – фалсафий қарашларини тарғиб қилади. Туркий адабий тил учун курашчи сифатида майдонга чиқади. Бу асарни у Болосоғунда бошлаб Қошғарда тугаллайди. “Қутадғу билиг”ни қорахоний ҳукмдор Буғрохонга тақдим этади. Натижада, Хос Ҳожиб номини олади.

“Қутадғу билиг” асари

“Пандномаи мулук”,

“Адаб ул – мулк”

“Ойие ул мулк” номи билан машҳур бўлганини ёзади.

Қўлёзманинг Вена

Қоҳира

Наманган нусхаларибор.

Бу асар (Ҳирот нусхаси) XIX_аср йигирманчи йилларида топилган.

Асар:

-насрий муқаддима

- шеърӣ муқаддима

-мундарижа (73 бобга)

-11 боблик дебоча дан иборат бўлиб, унинг асосий қисми

12 – фаслдан бошланади.

“Қутадғу билиг” – маснавий шаклида ёзилган дидактик достон. Асарда драматизмдан бирмунча узоқ воқеалар баёни тасвирланган бўлса – да, муаллиф ғояси қаҳрамонлар саргузашти баёни эмас, балки суҳбат ва мунозаларда, савол – жавоблар орқали баён этилади.

Асарда мамлакат, давлат ва халқ ҳаёти, кишилар ўртасидаги муносабат, ижтимоий ҳаётнинг турли жиҳатлари хусусида сўз юритилади.

Баёт кимга берса бу бағлик иши

Берур ул кўнгил кўр, ул ишга туши.

Кими бағ тутмак тиласа баёт

Берур ишни қулқ нек қуш юк – қанот.

“Туши – тушинди

қулқ нек – яхши хулқ”

Билиг бирла бағлар будун (халқ) бошлади,

Уқуш бирла эл – кун ишини ишлади.

Бағ оти билиг бирла боғлиқ турур,

Билиг – ла кетса, бағ оти қолур.

Шўролар даври адабиётшунослигида “Қутадғу билиг”нинг бу каби ўринларида феодал ҳукмрон идеаллаштирилган, дейилган. Аслида эса асарда ғукмдор, бек, сарой амалдорлари ҳокимиятни мустаҳкамлашга, халқ осойишталигини қарор топтиришга, хўжалик ва маданиятни ривожлантиришга даъват этилади.

“”Қутадғу билиб”да деҳқонлар, хунармандлар, чорвадорлар, савдогарлар, олимлар, элчилар, қўшин бошлиқлари, мунажжимлар, туш

таъбир қилувчилар, табиблар ва бошқаоарнинг сўз юритилиб, уларнинг бурч ва вазифаси, юриш – туриши ва хулқ – автори ҳақида ўтилар берилади.

Саволлар:

- Бу давр адабиётига хос адабий жанрлар қайсилар?
- Бу давр адабиётида қандай мавзулар етакчилик қилган?

Учинчи мавзу

Ғазал поэтикаси (ички қурилиши, мантиқий бошланиши, изчиллиги, тимсол, восита, ҳажм ва вазн, ва х.к)

Адабиёт: Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Т., Ёзувчи, 1996; Бертельс Е. Э. Избранные труды, т. 3, Чуфизм и суфийская литература, М., 1965.

Тасаввуф ёки сўфийлик маслаги ислом дунёси ижтимоий ҳаётининг турли соҳалари:

- ислом қонуншунослиги
- фалсафа
- сиёсат
- диний ва дунёвий ахлоқ қоидалари

-санъатга, айниқса адабиётга катта таъсир кўрсатган маслакдир. Шу боис ўзбек адабиётини тасаввуф ғояларисиз тасаввуф қилиб бўлмайди. Аввало, тасаввуф нима эканлиги хусусида қисқача тўхталиб ўтайлик.

Тасаввуф диний – фалсафий оқим бўлиб, у қуйидаги диний ва фалсафий асосларга суянади:

ислом

зардушт

будда

яхудиёйлик

насронийлик

ашрақия (неоплатонизм)

Бу маслак кишиларнинг олий мақсади – рухий камолотга етиш орқали Аллоҳга висолига эришиш мумкунлиги хусусида. Бунга суфий камолот босқичларини ўтаб эришади:

Шариат – зоҳирий покланиш;

Тариқат – ботиний покланиш;

Маърифат – кўнгил кўзининг очилиши;

Ҳақиқат – олий зот – халқ таолога етишиш.

Тариқат йўлига кирган суфий (солик, мурид, дарвеш) муайян мақомларни ўтаб боради:

1. Тавба
2. Вара (парҳезкорлик, ҳаром, ҳалол)
3. Зухд (тийилиш, сабр, қаноат)
4. Фақр
5. Сабр
6. Таваккул (Худого умид боғлаш)
7. Ризо (итоаткорлик)

Бу мақомлар аслида юзта. Бу ерда асосийларини келтирдик, холос.

Сўфийлик маслагининг таркибий қисмлари қуйдагилардан иборат:

1. *Зоҳидлик* – тарки дунё қилиш, риёзат чекиш, хилватда худога тоат ва ибодат билан машғул бўлишдир. Зоҳид емоқ – ичмоқ, киймоқ каби дунё лаззатларига, зебизийнат, мол мулк, айш – майшат га эътибор бермаслиги керак. Тақвога қаттиқ амал қилмоғи зарур. Улар ҳамиша ҳалол ризқ топишга ҳаракат қилишган. Ҳасан Басрий (642 – 728) илк бор зоҳидликни қабул қилган кишидир.
2. *Важд* – завқ шаққа тўлиш, мафтунлик. Важднинг бош масаласи худога муҳаббатдир. Улар худо ишқидан бўлак ҳамма нарсани унутадилар. Асосчиси – аббосийлар даврида яшаган Робиа (вф.т. 801). Улар худонинг моҳиятини расмий тоат – ибодатлар воситасида англашни инкор қиладилар ва Аллохни юрак орқали ҳис қилиш керак, дейдилар. Ҳижрийнинг иккинчи асрида такяхоналар юзага келиб, “важду само” маросимлари ибодатнинг алоҳида турига айланган.
3. *Ваҳдати вуҷуд* – унга кўра, руҳий ва моддий олам бир бутун; худо билан борлик бир бутун, яхлит ва ягона вуҷуд ҳисобланади. Бу ўткинчи – фоний борлик азалий ва абадийдир. Шу боис Оллоҳ билан оламни бир биридан ажратиб бўлмайди.

Бу ғоялар адабиётда турли рамз, тимсоллар орқали ифодаланади.

Кенг қўлланади:

ЁР – Оллоҳ

МАЙ – Олоҳга муҳаббат

ЮЗ – Оллоҳнинг жамоли

ЗУЛФ – жамолни яшириб турувчи бу дунёнинг эрмаклари

ҚАДАҲ – инсон кўнгли, худони фақат кўнгил кўзи билангина кузатиш мумкин;

БОДА – илоҳий ишқ йўлига кира бошловчининг муҳаббати

ҲАҚИҚИЙ ИШҚ – Оллоҳга муҳаббат

МАЖОЗИЙ ИШҚ – инсонга муҳаббат

МАЖОЗ – бу дунёга оид нарсалар.

Аҳмад Яссавий. Аҳмад Яссавий – туркий тасаввуф адабиётининг асосчиси. У биринчи бўлиб сўфиёна шеърлар айтган. Туркистонда яссавий тариқатига асос солган зотдир. Унинг сақланиб қолган ягона асари – “Девони ҳикмат” даги шеърларнинг барчасида инсоннинг руҳий поклиги ҳақидаги ахлоқий маърифти қарашлар ифодаланган.

Ишқ балоси бошга тушса нолон қилур,

Ақлинг олиб, беҳуш қилиб, ҳайрон қилур,

Кўнгил кўзи очилган сўнг гирён қилур,

Ломаконда ҳақдин сабақ олдим мано.

Йиғлар эрдим сахар вақтда, нидо келди,

Дийдоримни кўрсатай, деб ваъда қилди.

“Девони ҳикмат” тили совда, сўзлашув тилига монанд. Ундаги шеърларнинг вазни, поэтик образлари халқ оғзаки ижодига хос. Яссавий шеърларида кишиларни ботиний покланиш – қалбини поклашга, нафс балосидан кутилишга, нафегга берилиб, бу дунёни ўзи учун дўзахга айлантирмасликка даъват этади. Унинг фикрича, дин адабдир.

Бешак билинг бу дунё барча халқдин ўтаро,

Ишонмагин молиннга, бир кун қўлдан кетаро.

Ота – она, қариндош қаён кетди, фикр қил,

Тўрт оёқлиқ чўбин от бир кун сенга етаро.

Дунё учун ғам ема, ҳақдин ўзгани дема,

Киши молини ема, сирот узра тутаро.

Аҳли аёл, қариндош, ҳеч ким бўлмайдур йўлдош,

Мардона бўл, ғариб бош, умринг елдек ўтаро.

Сулаймон Бокирғоний (вафоти 1186). Ҳақим ота номини олган бу шайх Яссачийнинг шогирди бўлган. Ундан “Охир замон китоби”, “Биби Марям китоби” асарлари сақланиб қолган. “Меърожнома” ва “Ҳикматлар”и ҳам бор.

“Маълумки, ҳар қандай дин ва чинакам мистиканинг асосида дунёни тарк қилиш майллари мавжуддир. Лекин бу – мавжуд оламга нафрат ва бадбинлик ақидасини ифодаламайди”. “Тарқидуёчилик – руҳий машқ орқали олам гўзалликларнинг мутлақ маҳиятларига етиш тажрибаси. Унинг мундарижаси жда кенг ва инсоннинг ботиний ҳаётини тушунмоқ учун мислсиз бир ҳужжатдир. Яссави тариқатида зуҳду тақво қилмаслик – инсон сийратининг бизилиши, яъни имонсизликдир. Худди шу ички бузилиш “риё била халққа ўзин кўз – кўз қилмоқ” ва “сотмоқ”қа йўл очади. Яссавийнинг таъкидлашича, тақво кўнгил юмшоқлиги, диққат, шафқат ва муҳаббатдан иборатдир.

Муҳаббат шарбатидан ичган ошиқ,

Бу дунё ҳавасидан кечган ошиқ,

Давоси ҳазрати – бўлса лойиқ

Дийдорини кўрмагунча ёнса бўлмас.

Дидактик адабиёт. Маълумки, кишилар қадимдан жамод бўлиб яшаган. Бу хилда яшаш эга ўзаро муносабатларга асосланади. Шундай экан, бу муносабатлар ва муомалар кишилар тамонидан ё яхши ёки ёмон баҳолаб келинади. Инсонлар ахлоқ қоидаларига ри оя қилганларидагина бу муносабатлар ва муомалар барчага маъқул келади. Бас шундай экан, ахлоқ мезонларини билиш жамиятининг ҳар бир кишиси учун зарур. Фақат шундагина у жамиятда ҳурматли шахс сифатида яшайди ва яхши ишларни ёмон қилмишлардан фарқлай олади.

Қадим замонларданок аجدодларимиз ҳар бир кишини билимли бўлишга даъватган. Улар илми нужум, илми ҳандаса, илми риёзиёт кабиларидан олдин биринчи навбатда, муомола илмини, яъни илми адабни, одам ва оламнинг моҳиятини тушунишни, ундан кейин эса бошқа илмларни ўрганишни тарғиб қилганлар.

Ёзма адабиётнинг илк намуналаридан бири “Қутадғу билиг” (“Саодатга йўловчи билим”) ҳам кишига бахтли турмуш кечириш йўлини кўрсатади. Бу асарда ҳам билим қаҳру ғазабни енгиш, ёлғон сўзлаш дан тийилиш, гўзал хулқли бўлиш асоси деб тушунтиришади. Зеро, бу хилдаги билимга эга бўлмай туриб, бошқа соҳаларни билиш кишининг ўзига ҳам, бошқаларга ҳам, фойда келтирмайди. Баъзан ҳозир ҳам ўзаро муносабатларимизда меҳр – оқибат тобора камайиб бораётганидан нолиб қоламиз. Бироқ инсониятқадимдан меҳр оқибатга муштоқ бўлиб келган. Фикримизни қадим ёзма ёдгорлигимиздаги қуйидаги тўртлик ҳам тасдиқлаб турибди.

Эрди ўза эранлар

Эрдам беги билиг тағ.

Айди укуш угутлар

Кўнглум бўлур андин сағ.

(“Девону луғатит турк” Т., 1960. 116 – бет)

Мазмуни: Илгарилари илм чўққиларини эгаллаган устодлари бор эди. Улар кўп насихатлар сўзлар эдилар. Кўгулга улар ором берар эди.

Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул – ҳақойиқ” асарида ҳам кишилар ўртасидаги муносабатлардан коникмаслик тўғрисида шундай дейилди:

Амал қўйди олим, зоҳид – зўҳд, вараъ

Ориф рақс чиқарди аюр хуш сама

Бидъатин йиғиқли киши қолмади,

Анин кунда орта турур бу бидаъ.

Қани амри маъруф, қани эзгу эр,

Қани кэнду эзгу киши турғу ер?

Йирирсан замонангна, халқин қўйуб,

Замонангни йирма кишисини йир!

Яъни, олимлар илмига амал қилмай қўйган, зоҳидлар тақво ва парҳезкорликка бефарқ; маърифат сирларидан огоҳ ориф кўшиқ айтиб, зикр тушишни одат қилган. Бидъатдан тийилган киши қолмади. Кун сайин бидъат ортиб бормоқда”.

Ўзбек адабиётида дидактик йўналиш:

1. Халқ оғзаки ижоди
2. Ислом маданияти шаклланиш даври адабиёти (эски, VI – VIII аср битиклари анъаналари,
3. Имом Бухорий ва Имом Термизий ҳадисалари,

У. Сомонийлар давридаги форсий адабиёт таъсирида юзага келган. Натижада “Девону луғутит турк”, “Қутадғу билиг”. Аҳмад Яссавий ҳикматлари каби асарлар яратилган.

Дидактик адабиётда дастлаб инсон ер юзидаги энг гўзал, комил мавжудот экани тараннум этилган. Кейин инсоннинг ҳаётидаги ўрни инсон кадр – қиймати ҳақидаги мулоҳазалар етакчи ўринга чиқиб, жаҳолатга қарши кураш мотивларга эътибор ошган. Куръон ва ҳадисларга асосланган ислом яалсафаси ва сўфийлик таълимотига суяниши бадий ижоднинг асосий йўналишига айланган. Бу адабиёт тарихида дидактик адабиёт деб юриталади.

Ислом оламида кишилар ўртасидаги муносабатлар издан чиқишининг олдини олиш учун Расулуллоҳ ҳадисаларидан кенг фойдаланиб, асарлар ёзилган. Туркий адабиётида бундай асарларнинг илк намунаси Адиб Аҳмад Югнакий нинг “Ҳибат улҳақойиқ” асаридир.

Алишер Навоий “Муншаот” ва “Насойим ул – муҳаббат” асарларида ушбу асар муаллифини эслаб ўтади.

“Ҳибат ул – ҳақойиқ” 256 байт (14 боб)дан иборат дидактик асардир.

1 – боб ҳамд

2 – боб наът

3 – боб Дод Сипоҳсолорбек мадҳи

4 – боб китобнинг ёхилиш сабаби

234 – 241 байтлар ҳадислар назми.

5 – боб илм манфаати, жаҳолат зарари

6 – боб тилни тийиш, одоб ва ахлоқ ҳақида

7 – боб дунёнинг ўзгариб туриши ҳақида

8 – саховат ва бахиллик оқибати ҳақида

9 – тавозелик манфаати ва такаббурлик ва хурисликнинг зарари...

Дидактик асарнинг хусусияти: Аҳмад Югнакий аниқ бир воқеа харис ходиса ёки саргузаштни ҳикоя қилмайди. У одобдахлоққа оид масалаларини персонажлар иштирокисиз, баён йўли билан изчил қайд эта боради. Асарнинг бу хусусияти унинг бадиий характерини белгилайди. Асарнинг бадиийликги унда ўғит ва пандларнинг образли ифодаларда берилишида кўринади.

Баҳолик динор ул биликлик киши,

Бу жоҳил биликсиз баҳосиз биши.

Биликлик биликсиз қачон тенг бўлур?

Биликлик киши – эр, жооҳил эр – тиши.

Бу Асарда:

маърифат – жаҳл

саховат – бухл

адолат – зулм

ҳалол – ҳаром

камтарлик – такаббурлик

Мотивларидан фойдаланиб, кишининг фазилатлари ва иллатлари очиб берилади.

Ҳадисларни бадиий акс эттириш учун:

ташбон – ўхшатиш

ташхис – жонлантириш

тазод – зидлаш

сўз ўйинлари каби бадий тасвир воситалари асарнинг бадий хусусиятларини бойитишга хизмат қилган.

Вазни: мутақориб: фаулун (V - -)

“Ҳибат ул – ҳақойиқ”нинг кўп қисми халқ қўшиқлари усулида – тўртлик шаклида қофияланган. Бу шакл асарнинг равон ўқилишини таъминлайди.

Тўртинчи мавзу

XIV аср аввалидаги газалчилик Сайфи Саройи, Амирий, Саййид Ахмад ва бошқа

Адабиёт: Адабий мерос намуналари. Рабғузий. Қиссаи Рабғузий. Икки жилдлик. Т., 1990 – 91; Ўзбек адабиёти бўстони. Кўп томлик, “Мангу булоқлар”. Т., 1986; Ўзбек адабиёти бўстони. Кўп томлик, “Муборак мактублар”. Т., 1987; Сайфи Саройи. Шеърлар. Гулистон. Т., 1968; Ислотов Ҳомидхон. Ипор ҳид ила туғилган ориф. Т., Мовароуннаҳр, 1995.

XII аср Ҳиямида Муҳаммад Хоразмшоҳ давлати инқироzi бошланди. 1218 йилда Ўтторда мўғул карвонинг кириб ташланиши оқиборида Мовароунаҳрда мўғул босқини бошланди.

Ўттор олти ой қамалда ётди; Бухоро, Самарқанд, Хўжандни мўғуллар забт этди.

Мовароуннахр ва Хуросан маданияти ва адабиёти намоёндалари турли ўлкаларга бош олиб кетдилар. Улар ўз тилларида эмас, балки форс тилида ижод қилдилар.

Бу даврда яшаб ижод этган улуғ зотлар:

Паҳлавон Маҳмуд (1248 – 1326)

Бадриддин Чочий (-1345-)

Рабғузий (1310)

Баҳоуддин Накшбанд (1318 – 1389)

Хоразмий (1340)

Қутб (Хусрав ва Ширин) (1353)

Паҳлавон Маҳмуд – урганчлик шоир ва мутафаккир. Кейинчалик Хивада яшаган. Пўстин ва телпак тикиш билан кун кечирган. Ҳиндимтон ва Эронда кураш мусобақаларида полвон сифатида ном чиқарган. Паҳлавон Маҳмуднинг бир қанча рубоийлар ва “Канз – ул – ҳақойиқ” номли фалсафий маснафийсидан 6 байт сақланиб қолган.

Шоир форс тилида ижод этган. Рубоийларида моддий борлиқнинг мангулиги, инсон ва табиат, ёр васли ҳақида фикр юритади, одамийликни улуғлайди, ўзи яшаган ижтимоий муҳит ва унинг бедодликларини фош этади. Диндор бўлиб олган риёкорларни танқид қилади. Ғоявий мазмунидан Умар Хайём рубоийларининг таъсири сезилиб туради (қ.:”Мангу булоқлар”).

Бадриддин Чочий ¹ - (вафоти 1345) форс тилида ижод этган тошкентлик ижодкор. Мўғуллар суронидан паноҳ излаб, Макка сафарига

¹ Адабиёт.: И. Низомиддинов. Ўрта Осиёнинг чет эл шарқи билан муносабатлари.

чиққан ва қайтишда Деҳлига ўтиб кетган. У шу шаҳарда яшаб ижод этган. Унинг адабий мероси:

Девон – 6 минг байт – сақланмаган;

“Шоҳнома” – 35 минг байт – сақланмаган;

“Шарҳи қасоиди Бадри Чочий” – асари – 71 та қасида, 105 китъа, 34 ғазални ўз ичига олади.

Рабғузий – XIII – XIV асрда яшаб ижод этган шоир. Хоразмнинг “Работи ўғуз” деган мавзеи туғилган. Тахаллуси шундан олинган. Шу мавзе қозиси бўлгани ўзининг китобидан маълум. Унинг туркий тилдаги “Қиссаи Рабғузий” насрий асари 1310 йилда ёзиб тугатилган. Мазкур асар Бек Носириддин Тўқ Буға топшириғи билан ёзилган. У ҳамд, наът, китобнинг ёзилиш сабаби таъни, 72 қисса ва хотимдан иборат.

Пайғамбарлардан – Нух, Мусо, Исо, Якуб, Сулаймон, Довуд, Муҳаммад ҳақидаги қиссалар бор. Улар Қуръондан, бошқа диний манбалардан олинган.

Ҳар бир қисса бошланишида пайғамбарнинг сифатлари баён этилиб, ҳаётида кечган воқеалар шеърӣ лавҳа берилган; қиссанинг асосий мазмуни насрда ёзилган.

“Қиссаи Рабғузий”да пайғамбарлар ва уларга хос сифатлар, уларнинг номи билан боғлиқ ибратли воқеалар асосий ўрин тутди. Қиссаларнинг ичида ривоят ва нақллар берилган (Нух қиссаси (Қалдирғоч), Сулаймон қиссаси (Осаф), Довуд қиссаси (Ризқ)).

Асарда пайғамбарлар, авлиёлар ҳаёти реал турмуш билан боғланиб ибратли хулосалар чиқарилади.

Туркий адабиётдаги илк ғазал намунаси “қисди Рабғузий”даги ғазал (қ.:”Мангу булоқлар”).

Қутб – Унинг “Хусрав ва Ширин” достони Олтин Ўрда хонларидан ўзбек хонининг (1312 – 1340) ўғли Танибекка бағишланган. У Низомий анъаналарини давом эттирди.

Асарда Қутб Хоразмда туғилиб ўсган и, дostonни Оқ Ўрда пойтахти Сиғноқ шаҳрида тугатгани қанд этилган.

“Хусрав ва Ширин”, асосан, Низомийнинг шу номли достонининг ўзбек тилига таржимасидир. Аммо аслидан анча фарқ ҳам қилади. Унга кўра, сосонийлардан Хурмуз оиласида туғилган Хусрав ақлий ва жисмоний баркамол бўлган. Айб иш қилганда тавба тазарру билан қутулиб қолган. Хусравнинг яқин дўсти Шопур тоғлар водийсидаги Барда маликаси хақида сўзлаб беради.

Ширин ўз кканизлари билан сайрда, Шопур...

Хурмиз ва Хусрав ўртасида ихтилоф чиқиб, Хусрав Бардага кетиб қолади.

Ширин эса Хусравнинг доврўғини эшитиб, Бардадан Мадойинга йўлга чиқади.

Хусрав бундан хабар топиб, Бардадан Мадойинга қайтади. Аммо Ширин Мадойиндан Бардага кетган эди.

Шу орада шоҳ вафот этиб, тахтни Баҳром Чубин эгаллаб олади. Хусрав унга қарши уришда Рум қайсаридан мадад олади. Бунинг эвазига Марямга уйланишга, мажбур бўлади;

Асар Ширин ва Хусрав характерқ ўртасидаги тўқнашувдан иборат. Фарҳод эса эпизодик образ.

Хусрав шахсий майлларидаи воз кечиб, Ширинга уяланади;

(Шеруя (Марямнинг ўғли) фитнаси.

Достон 100 боб, 6000 минг маснавийдан иборат бўлиб, ҳамд, наът, давр ҳукумдорларига бағишловлар билан бошланади...

“Хусрав ва Ширин” ўзбек эпик шеърояти тараққиётида муҳим ўрин тутати. (қ .: “Мангу булоклар”).

Хоразмий – “Муҳуббатнома” (1353) асарнинг муаллифи. Шеърятда нома жанрнинг асосчиси. Хотимадан маълум бўлишича, асар . 1353 й. Олтин Ўрда хони Жонибек (1342 – 1357) ҳукмдорларидан Муҳаммад Хўжабекнинг таклифибилан ёзилган. У киши шоирни ўз ёнида бир қиш олиб қолиб, ўзбек тилида асар ёзишни топширган.

“Муҳаббатнома” сўзин мунда айттим Қомуғин Сир яқосинда битидим

Агар муқаддима, ҳамд, воқеа баёни (асарнинг ёзилиши сабаби), Муҳаммадхўжабек мадҳи; ораларида лирик чекиниш – (васф ул – ҳол)

Тарзидаги 3 та ўзбекча ва битта форсча ғазалдан иборат.

Асарнинг асосини ташкитл этувчи муножаът, қитъа асосида берилган.

“Муҳаббатнома” форс адабиётидаги анъанавий нома жанри (6 нома, 56 бет.)

“Муҳаббатнома” ўзбек дунёвий шеърятининг дастлабки гўзал намуналаридандир. У чинакам гўзалликни улуғлайди, уни тарғиб этади. Инсоний фазилатлар ва пок муҳаббатни мадҳ этади. Ҳаёт неъматларидан баҳра олишга чақиради.

Хаёлат то саҳар бо ман ҳамегуфт

Шабе алҳақ чи хуш равшан ҳаме гуфт

Қадам дар неҳ, ки дар ишқи мажозий

Ба мақсуде раси, гар пок бози.

Шоир ишқи ҳақиқӣ ва ишқи мажозӣ бир биридан фарқ қилиётини шу тарзда таъкиatlанди.

Манго учмоқ эрур васлинг ҳузури

Юзингдин шуъла урур тенгри нури.

Асар кўпроқ ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазнида ёзилган (мафоилун, мафоилун, фаулун: V ---V---V--) (Қ.: “Муборак мактублар”).

Бешинчи мавзу

Саккокий, Атоий, Гадоийнинг газаллари ва бошқа шеърлари

Адабиёт: Адабий мерос намуналари. Паҳлавон Маҳмуд. Рубоийлар. Т., 1962.

Ижтимоий ҳаёт. Мўғуллар зулмига қарши бош кўтарган сарбадорлар 1337 йилда Важиҳиддин Масъуд бошчилигида Сабзаворда ўз давлатини тузишди. 1365 йил Самарқанда ҳам шундай кўзғолон кўтарилиб, шаҳарни кўлга олдилар. Мўғуллар босиб олган жуда катта ҳудудда тартибсизликлар, ўзаро урушлар, ҳокимиятга бўйсунмасликлар авж олиб кетган эди. 1336 йил туғилган Темур ҳукмдор Амир Ҳожи Барлос хизматида кирди. Мўғул хони

Туғлуқ Темур Кешни забд этганда (1361), Амир Ҳожи Барлос Хуросонга кочиб кетди. 25 ёшли Темур Тарағай Кешда қолиб, мўғул хонининг ишончини қозониб, бу йилда Самарқанд сарбадорларини тор – мор қилди. Амир Ҳусайн Самарқандда қолади, Темур Кешга қайтади. 1368 йилда Амир Ҳусайн Самарқанд хазинасини Балхга кўчириб, ўша ерда мустаҳкамлана бошлайди. 1370 йилда Темур Тарағай бу ишни ўзига қарши қаратилган билиб, Балхга бориб, уни тор – мор келтиради ва қатл этади. Шу йили Темур Суюрғатмишни хон этиб кўтаради, ўзи эса амир унвонида қолади ва Самарқандда мустаҳкамлана бошлайди.

Бутун мамлакатда ҳукм сураётган бош – бошдоқликни тугатиб, марказлашган давлат тузишга интилади.

Дурбек XIV аср Ўзбеки; Дурбек “Юсуф ва Зулайхо” ҳақидаги қадим Шарқ афсонасини биринчи бўлиб туркий тилда назм ифодалади. Дурбек бу афсонага дунёвий руҳ берган. Юсуф ва Зулайхони ҳақиқий ошиқ – мошуклар тарзида талқин қилиб асарни ишқий – романтик дoston даражасига кўтарган.

Кисса тарихи: эр.ав. юзага келган Юсуф қиссаси Таврот, Қуръонда эслатилган. Фирдавсий, А. Балхий, Рабғузий; шеърлятида поэтик образ даражасига кўтарилди.

1. Якуб папайғамбарнинг ўғиллари ичида Юсуф ҳуснда, ақл – фаросатда ягоналиги, отасининг хизматини жон дили били қилиши, отасининг унга кўпроқ меҳр қўйгани; бунга акаларининг ғайирлиги;...
2. Юсуф ва Зулайхр бир бирларини туш кўриб севиб қоладилар (халқ мотиви. Эсланг: “Зариадр ва Одатида” Драматизм. Миср азизи; Зулайхо туҳмати).

Қағрамонларнинг портрети ва руҳияси тасвири муболаға ва ўхшатишлар, воқеалар моҳиятини тўлароқ англашга, персонажларининг маънавий қиёфасини очишга ёрдам беради.

Сайфи Саройи. (1321 – 1396) Ўзбекхоннинг ўғли Танибек ва Жонибеклар даврида яшаб ижод этган. У Олтин Ўрда давлатининг пойтахти Саройда яшаб, Миср ва Туркияга сафар қилган. Садъий “Гулистон”ини таржима қилган. Ғазал касида, қитъа ва рубоийлар ёзган. “Сухайл ва Гуодурсун” достонини “Синдбоднома” ни мерос орасида “Гулистон”нинг форсийдан қилинган таржимаси (1390 / 91) алоҳида ўрин тутди. Бу асарнинг ягона қўлёзмаси Лейден (Голландия) университет қутубхонасида сақланади.

Асар таржимаси насрий қисмида айнанликка, назм қисмида эса акс эттирувчи қитъа ва байтлар билан тўлдирган.

Хайдар Хоразмий. XIV – XV асрларда яшаб ижод этган. У Низомийнинг “Махзан ул – асрор” достонига жавоб ёзган. Муаллиф ҳақида маълумотлар Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш – шуаро”, Навоийнинг “Мажолис ун – нафоис”, “Муҳокамат ул – луғатайн” асарларида учрайди.

“Махзан ул – асрор” – ўзбек тилидаги ахлоқий – фалсафий дostonчиликнинг йирик намунаси ҳисобланади. У ўзбек озарбайджон адабий алоқаларининг тарихини ёритиб туради.

Низомий	Хайдар Хоразмий
Тавҳид, муножот, наът, меърож, 4 таъриф, Баҳромшоҳ таърифи, Баҳромшоҳга хитоб, китоб тартиби ҳақида; сўз ҳақида, назмнинг насрдан юксаклиги ҳақида; кўнгил ҳақида; кўнгил парвариши ҳақида;	Кириш Китобнинг ёзилиш сабаби Мусаннифнинг васфи ҳоли... аввал ҳиқоят кейин хулоса (мавъиза)
20 мақолат	20 та мақолат эмас

	- Ҳажми 639 байт атрофида
	- Вазни сариъ баҳрида (муфтаилун)

Асарда марказлашган давлат ва одил ҳукмдор улуғланади. Шунингдек, асарда муаллифнинг инсонпарварлик ва одоб – ахлоқ ҳақидаги қарашлари ҳам ўзифодасини топган. Мамлакатни бошқариш ва халққа муносабат, золим шохдан шиқоят, меҳнат ва унинг фойдаси, кишиларга яхшилик қилиш ва қийинчиликлардан қўрқмаслик, рашқ ва ҳасаднинг зарари, саховатнинг фойдаси, бахилликнинг оқибати ва бошқалар ҳақида мулоҳазалар бор. (“Навоийнинг нигоҳи тушган”. 195 – бет.: Сулаймон ҳикояти. Яқуб ва унинг ўғли Юсуф ҳикояти.)

Тили содда, равон; форсча, арсабча, сўзлар кам ишлатилган; халқ мақоллари, ҳикматли сўзлардан ўринли фойдаланилган.

Ҳайдар Хоразмий ўзбек адабиётида шеърӣ ҳикояни ривожига муносиб хисса қўшган. Шоир ҳажми кичик ҳикояларда муҳим муаммони ёритишга, характерли образ ва портретлар яратишга муваффиқ бўлган. Кичик воқеанинг ҳикояси орқали китобхонга ўғит беради; фалсафӣ, ижтимоӣ – сиёсий, ахлоқӣ – таълимӣ масалаларга доир хулосалар чиқаради.

Ҳайдар Хоразмийнинг ушбу асари ўзбек адабиётида эпик дostonчилик шаклланишига пойдевор яратган.

Олтинчи мавзу

Лутфӣй газаллари ва тўртликлари

Биринчи назорат: XV аср иккинчи ярмигача туркий адабиётидаги жанрлар.

Адабиёт: Адабий мерос намуналари. Рустамов Э. Узбекская поэзия в 1 половине XV века М., 1963; Ўзбек адабиёти бўстони. Кўп томлик, “Сенсан севарим”. Т., 1987; “Ҳаёт васфи”. Ўша туркум, Т., 1988.

Миф ва афсоналар

киссалар

адабий тарихий лавҳалар

қасида, ғазал, рубоий

маснавий (Фалсафий маснавий, дидактик достон)

халқ қўшиқлари

мунозара

нома жанри

ҳикоятлар

хотиралар

Юсуф Амирий – XV аср I ярмида яшаб ижод этган зуллисонайн шоир. Улуғбекнинг акаси Бойсунғур Мирзо (вафоти 1434) даврида Ҳиротда яшаб, ижод этган.

Ас.: I. Девон

II. “Банг ва Чоғир мунозараси” (насрий).

III. “Дахнома”.

I. Девонда ғазал, туюқ, қасида ва бошқа жанрларда ёзилган асарлар бор.

II. “Банг ва чоғирмунозараси” Банг ва Чоғир ўз “сифат” ва “хосият”лари билан мақтаниб мунозара қиладилар. Гоҳ бири, гоҳ иккинчиси гўё “устун” чиқади. Охири ўрта бол тушиб, мухолифларни бир – биридан ажратади. Бол уларни енгади, Банг – сўфи; Чоғир – ёш йигит сифатида тасвирланган. Асарда мажозий тарзда мақтанчоқлик ва такаббурлик, ишратпарастлик қораланган.

III. “Дахнома” Хоразмийнинг “Мухаббатнома” сифатидан асар бўлиб, ундан фарқи – севги мавзуси маълум сюжет асосида ёритилган. “Дахнома”да ошиқ образидан ташқари, маъшука образи ҳам яратилган. Яъни ошиқ – маъшук бир – бирларига мактуб йўллайдилар. Улар учрашиб қолган пайтларида ўзаромунозара қиладилар. Шоир уларнинг мунозаларини диалог шаклида беради. Шакли, асосан, маснавий. Асарда ғазал, фард ҳамда қитъалар ҳам берилган.

Атоий – XV асрда (Тошкент билан Сайрам ўртасида жойлашган) Балх деган ерда яшаб ижод этган. Аҳмад Яссавийнинг қариндоши бўлмиш Исмоил ота авлодидан (Қ: “Мажолис”).

Атоий ижодининг характерли жиҳати шундаки, бу шоир асосан ғазал ёзган, у ўз ғазалларида мураккабликдан қочади. Содда ва равон услуб йўлидан боради.

(Соддалигига бир мисол: 82 – бет)

Луғат: Салсабил –

жаннат

булоғинг номи; жуда
нинниқ сув

Эмди – энди

Шеърларида дунёвий муҳаббат етакчи мавзу. Бу мавзу уч образ орқали ёритилган: ошиқ, ёр, рақиб. Ғазаллари ўйноқи, жарангдор: 260 ғазалининг 109 таси рамали мусаммани мақсур вазнида ёзилган.

Саккокий темурийлар даври адабиётидаги йирик туркигўй шоирларидан бири дир.. Унинг туғилган ва вафот этган йили номаълум. Девонидан маълум бўлишичи. Саккокий XIV аср охириги чораги ва XVаср биринчи ярмида Мовароуннаҳрда ижод этган.

Шоирнинг нақшбандия шайхларидан бири – Хожа Муҳаммад Порсо га, Халил Султонга (1405 – 1409) бағишланган биттадан қасидаси, Улуғбекка (1409 – 1449) бағишланган 4 та қасидаси, Арслон Хўжа Тархонга бағишланган 4 та қасидаси сақланиб қолган. Қолганлари ғазаллар.

Саккокий қасидалари кам ўрганилган. Ҳатто улар ҳозирги алифбода босилиб ҳам чиқмаган (Фақат Улуғбек мадҳини ҳисобга олмаганда). Саккокий адабиётида қасида жанрининг юзага келиши ва ривожига катта ҳисса қўшган. Навоий “Муҳокамат уллуғатайн”да, Саккокий асарлари Мовароуннаҳрда машҳур бўлгани таъкидлаган.

Бу даврда Хуросон ва Ироқда Лутфий қанчплар шуҳрат қозонган бўлса, Саккокий Мовароуннаҳрда шунчалар машҳур эди.

Навоий Самарқанддалигида бу таърифларни кўп эшитганлигини “Мажолис уннафоис”ида ҳам ёзади.

Навоий назм аро тиғи забоним ўйла сурдиким,

Пичоқ топмас уятдин ўзни ўлтурмакка С.

(Наводир ун

– ниҳоя)

Саккокий ғазалларининг асосий мавзуси муҳаббат. Уларда ёр ва ёрга вафодорлик, ҳижрон азоби ва висол умиди чуқур ҳаяжон билан содда ва таъсирчан ифодаланади, куйланади. (26 – бетдаги ғазал таҳлили)

-ТОҒИТМОҚ – СИЛКИНМОҚ

-ТОЗА – ЯНГИ ОЧИЛГАН

Бир қарашда, адабиёт тарихимиздаги ғазаллар шоирларнинг бири биридан ошириб бадиий ифода, образ, муболаға ва шеърий санъатлар танлаш мусобақасига ўхшаб кетади. Аммо уларнинг ҳар бири алоҳида такрорланмас асардир. Саккокийнинг ошиқона ғазалларида баъзан ижтимоий мазмундаги фикрларга ҳам ўрин берилган.

Лутфий (1366 – 1465). Ҳиротда яшаб ижод этган “маликул – калом” номини олган шоир. “Мажолис ун – нафоис”да ёзилишича, Лутфий дунёвий илмларини эгаллагач, Мавлоно Шаҳобиддин Хиёбоний деган шайхдан тасаввуф бўйича таълим олган.

Мероси:

- Бир неча қасидалари бор
- “Гул ва Навруз”, “Зафарнома” дostonлари бор.
- Девони бор (қ: Ҳожимурод, ЎзСЭ).

Лутфий меросининг катта қисми унинг девони бўлиб, у ғазал, рубоий, туюқ, қитъа, фардлардан иборат.

Лутфий шеърияти дунёвий мазмунда бўлиб, уларда ҳаётнинг ўткинчилиги, умрнинг бевафолиги, бу ўткинчи дунёга кўнгил қўйиш беҳудалиги, инсон қадр – қиммати, унинг орзу – умидлари тўғрисида сўз юритилади. Шунинг учун Навоий уни “зоҳир аҳли шуароси” қаторига қўшади.

Лутфий аксарият ғазалларида инсон гўзаллиги, ҳаёт завқи тўғрисида баҳс қилади. Муҳаббат олдида шоҳу гадо баробар эканлигини таъкидлайди. Асарлари марказида юксак ижобий идеаллар эгаси бўлган ошиқ ва унинг севгилиси – маҳбуба образи туради (22–бет) Лутфийда ошиқ оддий кишига хос фикр ва ҳаёл эгаси сифатида бой руҳий олам билан яшайди. У ер юзадаги барча эзгуликларга самимий муҳаббат билан қарайди. Унинг учун табиат оғушида етилган гул ҳам, маъдан ҳам ташқи латофати билан мафтункор.

Ҳақдин, эй кўнгил, ўзга нима қилма таманно,

Сен хастага ул ердаки, дийдор топилса.

(Ад.: Лутфий. Сенсан севарим. Т., 1987.)

Навоий Лутфий шеъриятини барча жанрлар иксодидан устун қўяди, уни туркий шеъриятининг энг катта устаси, деб билади. Лутфий ижоди XV асргача бўлган эски ўзбек шеъриятининг барча ютуқ ва анъаналарини ўзида жамлаган. Шу билан бирга, ҳаётий деталларга бой (178 – 206.)

Ғазал таҳлилига қўйиладиган талаблар:

Ғазал жанр сифатида VI – VII асарлар араб шеърлятида пайдо бўлган. Форс – тожик адабиётида ғазал дастлаб Рудакий ижодида юзага келган. Саъдий, Ҳофиз, Камол Хўжандий, Жомий, Бедил ижодида ғазал жанр сифатида юксак даражага кўтарилган. Туркий адабиётида Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний ижодида, “Қиссаи Рабғувий” (1310)да, Хоразмийнинг, “Муҳаббатнома”си (1353) да кузатамиз. XV асрдан равнақ топиб, Навоий ижодида мислсиз юксакликларга кўтарилган.

Ғазалнинг *шакл* хусусиятлари:

- кофияланиш усули (радиф, кофия)
- матлаъ
- мақтаъ
- байтлар сони (ҳажми)
- таҳаллус қўлланиши
- композиция
- ғазалнинг хиллари

Матлаъ – ғазалнинг дастлабки икки мисраси бўлиб, унда асосий мавзу белгиланган. Кейинги байтларда матлаъда айтилган фикр кенгайтирилади, тўлдирилади, изоҳланади. Шунинг учун шоирлар матлаънинг чуқур маъноли, бадий жихатдан етук ва гўзал бўлишига интилганлар.

Мақтаъ – ғазалнинг охирги икки мисраси бўлиб, унда аввалги байтларда баён этилган энг кўп тарқалган ғазаллар а – матлаъли; кейинги байтлардаги жуфт сонли мисралар матлаъ билан кофиядош; охирги байида кўпинча таҳуллус келади. (мақтаъ)ларга якун ясалади. Ғазалнинг матлаъси ва мақтаъси орасида маълум мазмуний алоқа бўлади.

Ҳажми – 5 – 15 байтдан иборат бўлади

Тахаллус – шеърни халқ қўшиқларидан ажратиб туради; мухаммасда (татаббуда) жуда зарур.

Композиция

- Пароканда (мустақил байтлар);
- Якпора (изчил байтлар);
- Воеъбанд (сюжетли ғазал);

Хиллари – ошиқона, орифона, хажвий, фалсафий...

Еттинчи мавзу

Навоий ғазаллари, ва шарқ шеърятининг бошқа жанр ва асослари

Адабиёт: Адабий мурос намуналари. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тплами, 20 томлик. 1 –14 томлар. Т., 1987 – 99. Алишер Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар. Т., 1991; Қаюмов А. Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижоди.. Т., 1976; Хондамир. Макорим ул – ахлоқ . Т., 1967;

Навоий туғилган даврда (1441 й. 9. II.) Хуросонда Шохруҳ ҳукмдор, Мавароуннаҳрда унинг ғли Улуғбек ҳукмронлик қилар эди. Алишер Навоийнинг ота томонидан бобоси Темурнинг иккинчи ўғли Умаршайх билан эмиқдош бўлган ва темурийлар саройида ҳурматли шахслар бўлиб келишган. Алишер ёшлигиданоқ зеҳни ўткирлиги, тийраклиги, хушфаҳмлиги билан тенгдошлари ичида ажралиб турар эди. 3 – 4 ёшиданоқ шеър этишга, шеър ўқиш ва ёдлашга қизиқиш пайдо бўла бошлаган. Бунда оилавий

муҳитнинг таъсири катта бўлган. Мактабга Ҳусайн Бойқаро билан бирига ўқиган.

“Бадоеъ ул – бидоя” девони дебочасида Алишер Навоийнинг ёшлик чоғларида яратган ғазаллари, рубоилари ва бошқа лирик асарлари шеърят мухлислари ва ҳалқ орасида тез тарқалиб, турли мушоираларда ўқилгани, девонлар тузилгани, мусиқага солиниб хонандалар томонидан куйланганлиги қайд этилган. “Илк девон” (1465 й.) Навоийнинг 25 ёшгача ёзган шеърларини бошқалар тўплаб девон тузган (хат – Султон Али Машҳадийники). Ундаги шеърлар кейинчалик, маълум тартибда шоирнинг ўзи тузган “Ғаройиб ус – сиғар”, “Наводир уш – шабоб”, “Бадоеъ ул – васат”, “Фавойид ул – кибар” девонлари таркибига киритилган.

“Илк девон” шоирнинг илк ижоди, дунёқараши, фалсафий тушунчалари, эстетик қарашлари, ижтимоий – сиёсий тузумга муносабатлари ва санъаткорлик маҳоратининг шакллана бориши каби масалаларини ўрганишда ва ўша давр адабий муҳитида шоирнинг тутган ўрнини аниқлашда

772 та ғазал	64 рубой
2 та мустазод	10 чистон
4 мухаммас	52 муаммо
3 мусаддас	10 туюқ
3 таржеъбанд	52 фард
49 қитъа	Жами 1022 та шеър жой олган.

бебаҳо манбадир. Шу билан бирга, Навоий асарларининг бизгача етиб келган қўлёзмалари орасида энг қадимийси ҳам мана шу девон. Унда 391 та ғазал, 41 та рубой, 1 та мухаммас ва 1 та мусъазод бор (Қаро кўзум, ... 45 – бет).

Алишер Навоийнинг ўзи тамонидан тузилган биринчи девон “*Бадоеъ ул – бидоя*” (“Дастлабки бадеъалар”) Хусайн Бойқоро рағбати билан (1469 йилдан кейин) тузилган. Унда алоҳида дебоча ҳам бор (Навоий ижодининг маълум кирраларини очиш учун навоийшунослар бу дебочага жуда кўп мурожаат қилишади). Бу шоир тузган дастлабки девон бўлишига қарамай, ундаги шеърлар ўз ҳажми, жанрлари ранг – баранглиги, маҳзmunан чуқурлиги билан шоир ижоди юксак камолот босқичига кўтарилганидан далолат беради. Ундан:

Унинг “Қаро кўзум” “Оразин ёпқоч”, “Аржуманд этмас” каби қўшиққа айланган шеърлари шу девондан жой олган.

Наводир ун – ниҳоя (“Энг нодир шеърлар”) девони шоир томонидан (1480 – 1487 йиллар орасида) тузилган иккинчи девон ҳисобланади. Девоннинг дебочаси йўқолган. Ундан:

Ғазал – 628	Рубоий – 46
Мустазод – 3	Чистон – 1
Таржебанд – 3	Муаммо – 6
Қитъа - 5	Туюк - 1

Алишер Навоий 1992 – 1998 йилларда барча шеърларни тўплаб, “Хазойин ул – маоний” девонини тузди. Бу девон шоирнинг бутун ҳаёти давомида яратган ва *16 хил лирик жанрга* мансуб туркий шеърларини ўз ичига олади.

Навоий лирикасининг маркъзий мавзуси, ишқ – муҳаббатдир. Навоий муҳаббат концепцияси мажозий ишқ (инсонга, борлиққа бўлган реал севги) ҳақиқий (илоҳий) муҳаббатга қарши қўйилмаганлиги билан характерланади.

Навоий ижодида, мажозий ишқ ишқи ҳақиқийнинг бир кўриниши ёки ҳақиқий ишқ йўлидаги ўзига хос бир босқич сифатида баҳоланади.

Гар Навоий йиғласа, ишқинг мажозийдир дема

Қим, назар пок айлагач, айна ҳақиқатдир мажоз ...

Эй Навоий бода бирла хуррам эт кўнгил уйни

Не учунким бода келган уйга қайғу келмади.

Бода — ҳали шиддатли тус олмаган ишқни айтилури. Бу босқич бошловчилар муҳаббатдир. Навоийнинг ишқий лирикаси том маънода инсоний гўзаллик, пок туйғулар мадҳидан иборат бўлиб, шу руҳ ва услубдаги шеърлар девоннинг асосини ташкил этади. Навоий ишқий лирикаси заминида чинакам инсоний кечинмалар ётади.

Навоий лирикасида *ғазал* етакчи ўрин эгаллайди. Унинг ғазаллари ғоявий — бадий солмоғи жиҳатдан ўзбек ғазалчилигининг энг юқори нуқтаси саналади.

Навоий *рубоий* жанрини ҳам ўзбек ёзма шеърятининг асосий жанрларидан бири даражасига кўтаради.

300 дан ошиқ *қитъаларида* ҳам лирик руҳ ва кайфиятда ёзилганлари талайгина.

Кўз била қошинг яхши, қабоғинг яхши,

Юз била сўзинг яхши, дудоғинг яхши.

Энг бирла менгинг яхши, сақоғинг яхши,

Бир бир не дейин боштин оёғинг яхши.

Дудоғ – лаб

Энг – ёноқ

Менг – хол

Сақоғ – ияк

Бу икки шеърни Лутфийнинг қуйиддаги ғазали билан таққослаб кўрайлик:

Ваҳки, жонимни санинг ширин дудоғинг ўртади,

Хаста кўнглимнидағи нортек яноғинг ўртади.

Қайси бир узвингга боқсам, солди юз ўтқа мени,

Мухтасар айтай мени боштин аёғинг ўртади.

Гар ажал келса, таним ичра тилаб, жон топмағай,

Баски жоним жавҳарин сиймдек сақоқинг ўртади.

Соҳири Бобил кишини юз туман афсун била

Мунча куйдурмаским, ул жоду қароғинг ўртади.

Чун висолинг давлати қадрини Лутфий билмади,

Ложарам жонин анинг доғи фироқинг ўртади.

-V--/-V--/-V--/-V-

(рамали мусаммани маҳзуф)

Жавҳар – нарсанинг туб ўзаги

Қароғ – кўз қорачиғи

Ложарам – ноилож

Бу шеърларни Навоийнинг “Фидо” радибли ғазалига ҳам қиёслаб ўрганиш мумкин. (2 – жилд, 23-б.)

Навоий лирикасидаги маъшуқа образи жисмонан гўзал, маънавий етук, бироқ унда истиғно (эҳтиёжсизлик) кучли. Бунда унинг илоҳийлиги намоён бўлади. Ошиқни доим ўзига тортадиган жозиба кучи шунда. Бу истиғно ошиқ йўлида доим ғов бўлиб туради. Тарозу палласи доимо маъшуқа томонда баланд туради. Паллаларни тенглаштириш учун ошиқ маъшуқа томонга ўз далилларини қўйишга ҳаракат қилади. Бу далиллар – ишқ, ақл, куч, зорланиш ва ҳоказо.

Навоий мана шу истиғно олдида ўз маъшуқасини гоҳ маккор, гоҳ золим, гоҳ бевафо деб атайди, гоҳ унга зорланиш билан мурожаат қилади, гоҳида ҳижрон азобида ёниб, хитоб қилади. Баъзан ўз аҳволини батафсил баён қилса, гоҳида маъшуқа сиймосини маъшуқа тасаввурида чизади. Хуллас, ўзининг хилма – хил кечинмалари билан ишқ расмини тўлиғича намоён қилган.

Эй Навоий, ишқ атворини хифз айлай деган

Барча ишни тарк этиб қилсун бизинг девонни ҳифз.

Ҳар қандай ошиқ кўнгул унинг ғазаллари орасида дарҳол ўзининг ошуфта ҳоли тасвирини топиб оади. Чунончи:

Борига кўнувчи, бир ҳамдам истовчи (II жилд, 137, 359):

Хўблар минг бўлсалар, мен хастага бир ёр бас,
Анда меҳр атворининг мингдин бири гар бор, бас.
Айтмангким, ҳар вафо қилсам, жафое қилмасин
Ҳар вафога минг жафо гар айламас изҳор, бас...
Мен каму нуши лабингдин истамак нуши ҳаёт
Айласа ғамзанг синони қатл бу миқдори бас.

Ишқини пинҳон тутувчи ошиқ (II жилд, 243):

Ёр маълум айламиш ошиқлиғу шайдолиғим,
Ваҳки, зоҳир бўлди расволиқ уза расволиғим...
Эй Навоий, кўп ниҳон тутқум ва лекин оқибат,
Ёр маълум айламиш ошиқлиғу шайдолиғим,

Бесабр ошиқ (II жилд, 245):

Чун ўларман бир нафас ул дилрабони кўрмасам,
Не ҳаёт имкони бўлғай бир кун они кўрмасам...

Эй Навоий, не балодурким, ўларман қайғудин,
Гар даме оллимда ул шўхи балони кўрмасам.

Унинг лирик қаҳрамонлари қаторида ишқ домига тушиб қолиб чиқолмаган (Лирика, 21,39), висолда ҳам ҳижронда ҳам бир хилда таскин ололмайдиган (ғазаллар, шарҳлар, 78), маъшуканинг келмаганидан изтиробга тушган (Лирика, 38), маъшуқа келганида висол лаззатини туя олмаган (Лирика, 24) ошиқларни кўришимиз мумкин.

Саккизинчи мавзу

Бобур, Турди, ва Машираб

Адабиёт: Адибий мерос намуналари. Алишер Навоий. Хамса. Насрий баёнлар. Т., 1974 – 78; Қаюмов А. “Ҳайрат ул – аброр” талқини. “Фарҳод ва Ширин” сирлари... (беш китоб). Т., 1975-79; Жалолов Т. “Хамса” талқинлари. Т., 1960. Алишер Навоий. Хамса. Т., 1986; Алишер Навоий. “Лисон ут – тайр”ю Т., Фан, 1965.

“Хамса” достонлари

(амалий машғулот учун тахминий режа)

Жанр хусусиятлари ва композицион тузилиши.

1. Фалсафий таълимий достон. (“Ҳайрат ул аброр”)
 - фалсафий масалалар.

- ижтимоий – сиёсий масалалар
- ахлоқий – таълимий масалалар
- образлар

2. ишқий қаҳрамонлик достони (“Фарҳод ва Ширин”)

- образлари: Фарҳод, Ширин, Меҳибону, Шопур, Хусрав, Шеруя
- бадиий хусусиятлари

3. “Лайли ва Мажнун” – ишқий достон.

-образлари Навфал, Лайлининг отаси Ибн Салом.

4. “Саъбаи Сайёр” достони. Образлари: Баҳром – Дилором; Ҳикояла. Композицияси.

5. “Садди Искандарни” достони. “Хамса” достонлари

Низомий. Ганжави: (1141 – 1203)

“Махзан ул – асрор” 1170й.

“Хусрав ва Ширин” 1181й.

“Лайли ва Мажнун” 1188й.

“Ҳафт пайкар” 1196й.

“Искандарнома” 1199 – 1200й.

Хусрав Деҳлавий. (1253 – 1325)

“Матлаъ ул – анвор” 1299 (2 – Ҳафта)

“Ширин ва Хусрав” 1299

“Мажнун ва Лайли”

“Оинаи Искандарий”

“Ҳашт беҳишт” 1302й.

Абдурахмон Жомий (1414 – 1492)

“Ҳафт авранг” (етти тахт):

“Тухфатул – ахрор” (хур кишилар тухфасм) 1481й.

“Сибҳатул аброр” (яхшилар тасбиҳи) 1482й.

“Юсуф ва Зулайҳо” 1483й.

“Лайли ва Мажнун” 1484й.

“Хиродномаи Искандар” 1485й.

“Саламон ва Абсол” 1480й.

“Силсилат уз заҳоб” 1472.

Алишер Навоий:

“Ҳайрат ул аброр”. 1483

“Фарҳод ва Ширин”. 1484

“Лайли ва Мажнун”

“Сабъаи сайёр”

“Садди Искандарий” 1485й.

Лирик жанрда камолот чўққисига эришган Навоий 1483 йилда “Хамса” ёзишга киришди. Давр адабиётининг чўққиси ҳисобланган бу жанрга қўл урганлар кам бўлган.

“Хамса” шоирга айтмоқчи бўлган гапларини тўкиб солиш учун майдон саналган, ундаги дастонларда. Унда даврнинг барча мураккаб масалаларини кенг ва чуқур ёритиш имкони бор эди.

“Ҳайрат ул – аброр” да Навоий

- донишманд файласуф;
- ҳаёт тажрибасига бой шоир;
- жамоат ва давлат арбоби;
- олим;
- ҳаётни, ижтимоий табақаларининг яхши – ёмон томонларини яхши англаган ижодкор сифатида кўринган.

Асар дидактик ва сатирик услубда битилган.

“Ҳайрат ул – аброр” кириш қисми бир неча бобдан иборат:

- ҳамд
- тўрт муножат
- беш наът
- уч ҳайрат
- Низомий, Амир Хусрав, Жомий мадҳи
- сўз таърифи
- Ҳусайн Бойқоро, Баҳовуддин Нақшбанд мадҳи.

Асардаги муножот ва ҳайратларда инсонга муносабат билдирилган. Бу муносабат пантеистик мазмунга эга.

Асарда шоирнинг:

- фалсафий
- ижтимоий – сийсий
- иқтисодий
- илмий
- маърифий
- ахлоқий, диний
- ҳуқуқий

қарашлари жамланган. Бу дostonни ғоявий жихатдан “Хамса”га кириш, муқаддими деб аташ мумкин.

Бу асарда барча мулоҳазалар шоирнинг ўз тилидан берилади. У ўзининг инсон парварлик идевалидан келиб чиқиб, кишиларни адолатга, инсофга, яхши одам бўлишга, маърифатга, алижанобликка, жаҳолат ва разолатга қарши курашга, *ҳаётга ҳушёр кўз билан боқишга чорлайди*. Кўп мисралари афоризмларга айланиб кетган:

-Одами эрсанг демагил одами

Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

-Бошни фидо айла ато қошиға,

Жисмни қил садқа ано бошиға.

Тун кунингга айлагали нур пош,

Бирисин ий англа, бирисин қуёш.

(муфтаилун, муфтаилун, фоилун.)

Яхшилик ар айламасанг иш чоғи,

Айламагил боре ёмонлик доғи.

Ишга неча саъблик имкон эрур

Ким ани осон тутар, осон эрур.

Бўлса ғаминг жонингга солма алм,

Бир ғам эрур, бас емагил икки ғам.

Ким бу чаман ичра хиромон эрур

Барчаси бир – бирига меҳмон эрур.

172 – бет

Достоннинг асосий боблари:

Кўнгул таърифида

Султонлар ҳақида

Риёкор шайхлар хусусида

Хайру эҳсон васфида

Адаблилик отади тўғрисида

Қаноат ҳақида

Вафо ҳақида

Ишқ ўти таърифида

Ростлик таърифида

Илм

Қалам ва қалам аҳли ҳақида

Осмон тузилишидан шикоят

Жаҳолат майи

Олифталар ҳақида

Йигитликнинг софлиги ҳақида

Фалак ғамхонаси ҳақида

Ҳирот васфи

Достоннинг асосий ҳикоятлари

Шоҳ қаҳри ва адолат 246 – б. Наср – назм

Ҳотам Тойи ҳикояси 258 – бет.

Нушервон ҳаё боғида 264 – 79 – б.

Қаноат қилувчи жувонмард ва таъмагир 269 – б.

Икки вафодор ёр... 276 – 97 – б.

Дуррож ва шер 287 –б.

Имом Фаҳр Розий ва Муҳаммад Хоразмшоҳ 293-б.

Ёқутнинг ҳуснихати ва хурмати 299-б.

Марҳаматли Аюб ва ўғри 304-б.

Искандарнинг бу дунёдан кетиши – 310-б. 150-б.

Чин ўтлоғининг мушкин оҳуси 328-б.

Баром ва май 335-б.

Оёғи тойиб кетган бир қул ҳикояси 349-б.

Мисоллар

Суқарриби борий Хожа Абдуллоҳ Ансорий сўзиким, ниҳояти сулукдин соҳиби, хабар эрди ва ўз сулуки ниҳоятдан хабар берди.

Улки ани қибла дер аҳли Ҳирот,

Дема Ҳирот аҳли, бари коинот.

Аҳли аён, солики атвори ул,

Исмда Абдуллоҳи Ансори ул.

Деди: буким иш манга тоат турур,

Тенгрининг амрига итоат турур.

Дўзах ўти бийми ҳам эрмас ғараз,

Не буки жаннат анга бўлғай аваз.

Бийм ила ким хақни парастеш қилур,
Нафси нажотини тилаб иш қилур.

Ким чекар уммид ила фарсудалик,
Қасди эрур равзада осудалиқ...

---//-----//-----

Менки, ишим бўлди парастеш мудом,
Бийму умид – иккиси бўлмиш ҳаром.

Бандалик амрига чу маъмурмен,
Тун – кун ишим бу эса маъзурмен.

Гарчи анга лойиқ эмас тоатим,
Бўлмасун онсиз эса бир соатим.

Қил дедиким қилмоқ эрур варзушим
Радду қабули ила йўқ ҳеч ишим.

Учмоғу зоҳид, томуғу булҳавас
Бўлса ҳавас ёр – Навоиға бас.

Тўққизинчи мавзу.

Нодира, Амирий, Увайсий, Ҳозик газаллари.

Адабиёт: адабий мерос намуналари. Алишер Навоий. Асарлар, 15 томлик, 12 – 15 томлар. Т., 1963 – 68; Алишер Навоий. Маҳбуб ул қулуб, Т., 1983; Ўзбек насри тарихидан. Мақолалар тўплами. Т., 1982; Ҳабибуллаев А. Навоий пандномаси. Т., 1996.

1. Илмий филологик асарлари:

“Мажолис ун – нафоис”

“Муҳокамат ул – луғатайн”

“Мезон ул – авзон”

“Рисолаи муаммо” (Муфрадот)

2. Адабий хотира асарлари:

“Хамсат ул – мутахаййирин”

“Ҳолоти Саид Ҳасан Ардашер”

Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”

3. Адабий дидактик асарлари:

“Маҳбуб ул – қулуб”

4. Тарихий – тасаввуфий асарлари:

“Вақфия”

“Насойим ул – муҳаббат”

“Тарихи мулуки аҷам”

“Тарихи анбиё ва ҳукамо”

“сирожул муслимин”

“Муножот”

5. Иншо санъати асарлари:

“Муншоот”

6. Дебочалар

(Девоналар ва “Назм ул – жавоҳир”да)

“Мажолис ун – нафоис” (“Нафис мажлислар”) – 1491, 1498 йилларда ёзилган. Туркий тилида ёзилган илк тазкиралардан бири. XV аср Хуросон ва қўшни мамлакатлар шоирлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган 8 мажлис (қисм)дан иборат. Сўнгги икки қисм темурий шоирларга ва Ҳусайн Бойқарога бағишланган. “Мажолис ун – нафоис”да 459 нафар шоир олим, бастакор ва хаттот ҳақида маълумотлар бор.

Муаллиф ҳар бир ижодкорнинг шеърятга ва илмга қўшган ҳиссасига баҳо берган. Уларнинг дунёқараши ва хулқини ҳам таърифлаган. Тазкирида туркигўй шоирларҳаёт ва ижодига алоҳида эътибор қаратилган ўзбек адабиёти тарихи учун жуда катта аҳамиятга эга.

Муаллиф ўз ҳаёти ва ижоди озми – кўпми ижобий рол ўйнаган тарихий шахслар тўғрисида батафсилроқ тўхталган.

Илл. 9-б; 10-б.; 16-бет; 32-бет; 41-бет; 45-бет; 48-бет;

“Муҳокамат ул – луғатайн” – (1499 й.) Алишер Навоийнинг тилшуносликка оид асари. Туркий тилнинг бойлиги. У адабий тил сифатида форсийдан қолишмаслигини кўрсатиш учун 100 та феъл келтирилади. Бошқа

тилларда ифодалаш имкони бўлмаган, фақат туркийгагина хос жиҳатлари аниқ мисолларда таъкидлаб ўтилган.

Туркий тилнинг грамматик жиҳатдан форсийдан кўра имконияти кенгрок экани далиллар орқали исботлаб берилган.

Навоийнинг таъкидлашича, тил ижтимоий ҳодисадир. Тил инсонни ҳайвондан ажратади. Тил тафаккурнинг ифода қуролидир. Кишининг кўнгли дарёдир, сўз эса – дур; сўзловчи ғаввосдир. Дур турли хилда бўлгани каби, сўз ҳам ҳар хил бўлади. Яхши сўз кишига жон бахш этади, кўнглини, руҳини кўтаради; Ёмон сўз руҳни эзади, кишини ҳалок этишгача олиб боради. Тил маърифат ва адабиёт қуроли ҳамдир. Сўз сўзлашдан мақсад – маъно ифодалаш.

Навоий нутқ қобилиятини худога, турли тилларнинг пайдо бўлишини Нух пайғамбар ва унинг ўғилларига боғлайди. Навоий бадиий асарлар билан туркий тил имкониятларини амалий тарзда намойиш этган. Ушбу асари билан эса шу фикрни назарий асослаб берган.

“Хамсат ул – мутахайирин” (1494) дўсти ва устози А. Жомий (вф.т. 8.11.1492) хотирасига ёзилган асар. Муқаддима, уч мақола ва хотимадан иборат. Асар Жомий тўғрисидаги адабий портрет шаклида ёзилган бўлиб, унинг ҳаёти ва ижоди тавсифланган. Асарда Жомий ва Навоий ҳаётидан лавҳалар бор. (Навоий. Асарлар . 14ж. 13,17, 20-бет).

Асар охирида жуда таъсирчан марсия берилган.

Ҳолоти Саид Ҳасан Ардашер (1490) – Навоийнинг устозларидан бири, даврининг йирик маданият арбоби, шоир ва мутафаккир Саид Ҳасан Ардашерга бағишланган, унинг ҳаёти ва фаолияти ёритилган. Навоий ёшлик чоғида Саид Ҳасан Ардашерга шеърӣ мактуб деган маснавий ҳам ёзган. Асарда Саид Ҳасан Ардашер ғоят камтар, мансаб ва амалга интилмагани, - “уринд эди” деб таърифланади (14 ёшли фарзанддидан ажраш эпизоди).

Холоти Пахлавон Мухаммад. Бу ҳам юқоридаги асар типдаги рисола бўлиб, Навоий замонасининг билимдон, маданиятли, илғор фикрли кишиси таъби, ўткир зеҳни мадҳ этилиб мусиқий асарлари олқишланган. Навоий Машҳадда бетоб ётгани ҳақидаги эпизод шу асардан олинган:

(Ҳар қаён боқсам кўзимга ул қуёшдан нур эрур,

Ҳар сори қилсам назар ул ой менга манзур эрур.)

Муншаот (тахминан 1498 – 99 йилда ёзилган). Навоийнинг турли пайтда турли ёзилган хатлари тўпланган. Наврўз табриклари, соғинч мактублари, таъзия воқеалар муносабати билан номлар, сиёсий, иқтисодий, маданий, адабий ва бошқа мазмундаги ёзишмалардан иборат. Давлатни бошқариш, сиёсат билан боғлиқ гапларнинг ўрин тутди. Бедеъузузамонга насиҳат тарзида ёзилган хати кўпчиликнинг диққатини ўзига тартади.

Вакфия (1481). Навоийнинг даромад манбаи ва қурдирган жамоат бинолари ҳақидаги икки қисмдан иборат асаридир.

Навоий барча насрий асарлари шеърӣ парчалар билан безатилган.

Навоийнинг иқтисодий қарашлари

Алишер Навоий иқтисодиётга бағишланган махсус асар ёзмаган бўлса ҳам, унинг асарларида мамлакат ҳаётидаги муҳим иқтисодий масалалар юзасидан жиддий хулосалар чиқарилган ва мамлакат ҳаётига уларни тадбиқ этишга даъват қилинган.

Ҳар бир киши ўз ҳаётини жамият учун ҳам, ўзи учун ҳам фойдали хизматга бағишлаши, касб – ҳунар ўрганиши, маърифатли бўлиши, яхши тежамкор, тadbиркор, ҳар бир ҳолат учун амалиётдан келиб чиқиб хулоса чиқарувчи шахс сифатида қолган. Бу халқ оғзаки ижодидаги “Навоий билан юрган, аммо намоз ўқиб, рўза тутмайдиган бир кишига шоирнинг салом бериб хизматидан узоқлашиб, тоат ибодатга берилгани ва шоирнинг назаридан қолгани ҳикоя қилинади. (Ўзбек халқ эртаклари. 2-ж. Т., 1964, 483-б.)

Навоий даврида мамлакатда, асосан, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ва савдо ишлари ривож топган эди. Навоийнинг ижтимоий – иқтисодий қарашлари “Ҳазойин”, “Ҳамса”, “Вақфия”, “Муншаот”, “Маҳбуб ул – қулуб” асарларида акс этган.

Навоий “Ҳазойин ул маоний” иқтисодий таъминот кишилар ҳаётида муҳим ўрин тутишини таъкидлайли. Аҳолининг турмуши фаровонлиги шундай бойликки, - дейди шоир, - бу бойлик ёрдамида ҳатто бутун дунёни забт этиш мумкин.

Навоий ўз шеърларида мезнат билан топилган моддий неъматлар ҳалол ризқ эканини қайта – қайта уқтириб, бунёдкорликни шарафлайди. Фарҳод ҳашаматли саройлар қуриб, ариқлар очади, ихтиролари билан ер қазувчилар меҳнатини енгиллаштиради. Навоийнинг ўзи ҳам шахсий намуна кўрсатиб, сон – саноксиз жамоат бинолари қурдириб, аҳоли фойдаланашига топширган. Улар орасида Ҳирот шаҳридаги Масжиди жомеъ, мадраса, хонақоҳ, дорушшифо, ҳаммом, рабoтлар бор. Буларнинг барчасини Навоий маблаг билан таъминлаб турган. Давлатшоҳ: “Ўша жойларга қилган вақфари муомалада юрган пул хисобида тахминан 500 туман кепакийни ташкил қилади...” (қ.:Навоий замондошлари хотирасида. 18-б.)- деб ёзади.

Навоий халқнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш учун Машҳадга сув келтиради.

Навоий “Ҳайрат ул аброр”да “Ҳақиқий меҳнат билан топилган икки танга шоҳ инъом этган соағадан афзалдир; тинч осойишта топилган оддий таом бировлардан тортиб олинган мазали таомдан яхшидир”- дейди.

Навоий мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти, давлатнинг мустақиллиги кишиларнинг эрки ва фаолиятига, иқтисодий омилларга боғлиқлигини яхши билган. Бу хусусда у “Муншаот” асарида Бадеъуззамонга кўрсатмалар берган.

Навоий мамлакат солиқ тизимига ҳам алоҳида эътиборни қаратган. “Маҳбуб ул – қулуб”нинг “Дуҳқонлар зикрида” деган фаслида бу меҳнатнинг فايизи солиқни унутмасликда эканини уқтиради. Аммо “Садди Искандарий” достонида шоир ҳокимларни халққа ҳаддан ташқари солиқ солмасликка чақириб, уларни қашшоқликка маҳкум этиш нотўғри сиёсатдир – дейди.

Бадеъуззамон ҳокимлиг қилиб турган вилоятда бир йил ҳосил яхши бўлмагани учун Навоий буғдой солиғини ўз далаларида етиштирилган дон ҳисобига қоплаб юборган.

Навоий “Садди Искандарий” достонида мамлакат фаровонлигини таъминлашда таълимнинг муҳимлигини таъкидлаб: “Болалар мактабга бормасалар катталар ҳам ўз йўлларида адашадилар”,- деб ёзади. Бунинг сабаби шуки, эртага катталарни йўлда етакловчи мана шу болалардир

Ўнинчи мавзу

Огаҳий, Мунис, Аваз ва Комил газалари

Адабиёт: Адабий мерос намуналари. Бобир. Асарлар. 3 жилдлик. Т., 1965. Бобир. Бобур ҳаёти ва мероси. Т., 1966; Қудратуллаев, Ҳ. Бобирнинг адабий эстетик қарашлари. Т., 1983.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1483 йил 14 февралда Андижонда туғилган. У мумтоз адабиётимизнинг йирик вакили, тарихчи олим, темурий ҳукмдор сифатида машҳур. Унинг отаси Умаршайх Мирзо Темурнинг набираси – Абусаиднинг ўғли, Фарғона вилоятининг ҳокими бўлган. Онаси Қутлуғнигор бегим – Тошкент ҳокими Юнусхоннинг қизи.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ёшлиги Андижонда ўтган. У ёшлигидан илмга, шеъриятга қизиқган. Довюраклиги учун ёшлигиданок Бобур сифатида тахтга ўтиган. Бу пайтда Хуросонда Ҳусайн Бойқаро, Самарқандда эса Абу Саиднинг 41 яшар ўғли Бобурнинг амакиси Султон Маҳмуд ҳукмдор эди. Бобур Темур давлатини Мавароуннаҳрда марказлашган кучли давлатга айлантиришга интилди. 1495 – 1498 йилларда Самарқандга бир неча бор ҳужум қилиб, уни эгаллаган. Бобур Самарқандда уч ой ҳукмронлик қилиб, у ерда исён кўтарилгач, Андижонга қайтган. Бироқ у ерга ҳам киролмай Хўжандга, кейин Тошкентга келган. Тошкент ҳокимнинг мадади билан Андижонни қайта эгаллаган.

1500 йилда Самарқандни иккинчи қайта қўлга олган. Бироқ кўп ўтмай, Шайбонийхон катта лашкар билан шаҳарни қамал қилган. Сулҳ тузилиб, Бобур Самарқандни ташлаб кетган. Шундан кейин куч тўплаш мақсадида, Жиззах, Ўратепа ва Тошкентга юрган. Тахтдан умид қолмагач, Ҳисор орқали Афғонистонга ўтиб кетган. Бобур Афғонистонда тарқоқ халқларни бирлаштириб, Кобул ва Ғазни вилоятларидан иборат мустақил давлат тузган. У 1508 йилда ўзини шу юртнинг подшоғи деб эълон қилган.

1510 йилда Самарқандни учинчи марта эгаллаган. 1512 йилда Бухоро атрофидаги жангда енгилиб, яна Кобулга қайтган ва бундан буён шу ердаги ўзи тузган давлатни мустаҳкамлашга киришган. Давлат Кобул улуси номи билан кўпгина мамлакатларга танила бошлади. 1522 йилда Қандаҳор қўшиб олинган.

1526 йил апрелда ҳинд подшоҳи Султон Иброҳимнинг лашкари устидан тўла ғалаба қозониб Ҳиндистонда янги империяга асос солган. “Буюк мўғуллар империяси” деб ном олган бу давлат то 1858 йили инглиз босқинигача давом этиб келган. Бобур 1530 йил, 26 декабрда Ҳиндистоннинг Агра шаҳрида вафот этди. Васиятига кўра кейинроқ (1533) унинг хокини Кобулга олиб келиб қайта дафн этишди.

Бобур ижоди. Бобур Самарқандни иккинчи марта олган (1500) пайтларидаёқ рубоийлар ёзиб юарди. Кобулда эса адабий мажлислар уюштирар, шеър машқ қилишни давом эттирар эди. У ўзбек мумтоз адабиётининг Навоидан кейинги энг атоқли намояндаларидан бири бўлиб етишди. У ўз ижодида Навоий анъаналарини давом эттирарди. Бобурнинг шеърӣй мероси икки девондан иборат. Улар, асосан, ғазал ва рубоийлардан ташкил топган, мавзу хилма – хиллиги билан ажралиб туради.

Ахлоқ – одоб, инсонпарварлик, ватан, эл – юрт муҳаббати, ҳаётга муҳаббат каби масалалар Бобур ижодининг асосий мавзусидир. Шунинг учун уларда бадӣйлик билан тарихийлик қўшилиб кетган. (Бобур. Асарлар. I том, 29-б.)

Бобурнинг биринчи девони 1519 йилда Кобулда тузилган. Иккинчи девони 1528 – 1529 йилларда Ҳиндистонда тузилган.

Унинг 364 та шеъри етиб келган. Шулардан:

Ғазал – 114	қитъа
Рубоӣй – 201	туюқ
маснаӣй	фардлари кам бўлса – да бор.

Ғазаллари бошқа шоирларнинг ғазалларидан фарқ қилмаса – да, айрим ўзига хосликларга эга. Улардан аксарият ғазаллари ихчам (5 – 7 байтлик)

Бобурнинг ошиқона ғазалларида инсоний фазилятлар баён этилиб, кишини реал ҳаёт завқи, табиат ва инсон гўзаллиги мадҳ этилади.

Шоирни орифона ғазалларида тасаввуфий тимсолларидан фойдаланган. “Қаро зулфинг...” деб бошланувчи ғазали бунга мисол бўла олади. (Бобур. I жилд, 111 –б.)

фироқ – жудолик, айрилиш

муслиҳ – ислоҳ этувчи

муфсид – бузғунчи

хорхор – тинчини йўқотиш

васий – ҳомий

гул – орифнинг дил

сахнида зухур илмининг

натijasига айтилуp (“Мирот ул – ушшоқ”).

Бобурнинг насрий асарлари ҳам бор.

Булар орасида энг машҳури “Бобурнома” номи билан машҳур “Вақое” асари бўлиб, у жаҳонда энг нодир хотира асарлардан деб тан олинган. Асар 1519 – 1530 йиллар орасида ёзилган.

Унинг аҳамияти:

кўпқирралилиги

Камраб олган мавзусининг:

ҳаётийлиги

илмийлиги

ростгўйлиги

бадийлиги

самимийлиги

билимдонлиги

инсонийлиги

Муаллифинг:

билан белгилаб келинади

“Бобурнома” тили содда, равон, жимжимадорликдан холи бўлиб жонли ва образли қилиб ёзилган. Асарда муаллиф характери яхши акс этган.

“Бобурнома” ўқиётканда ўқувчи ўзини воқеалар гирдобиди ҳис этади, табиатнинг гўзал тасвири уни мафтун этади.

Асардаги сарлавҳалар “фалон йил воқеалари” деб аталади. Муаллиф бирор тарихий воқеани ҳикоя қилишга киришар экан, кўпинча аввал воқеанинг ўрнини батафсил тасвирлайди. Воқеада иштироқ этувчи кишиларнинг қиёфа тартиб, феъл – аъвори ва хатти – ҳаракатигача таърифлайди. Сўнг воқеанинг баёнига киришади.

Баъзан воқеа давомида чекиниш қилиб, жой ёки манзарани тасвирлайди. Асарда XV – XVI асарлардаги Мовароуннаҳр, Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистон ўлкалари, улардаги ўнлаб шаҳар ва қишлоқларнинг манзараси, топографияси, об – ҳавоси, ўсимликлар дунёси халқ ва қабилаларининг урф – одотлари баён этилган. У майда кичик деталларгача катта эътибор беради, реалистик лавҳалар яратади ва хассос рассом каби табиатнинг хилма – хил манзараларини чизади. Андижон, Ўш, Хўжанд, Кобул, Ғазни, Ҳирот ва бошқа шаҳарлар манзараси тасвирланади. Асардаги тарихий шахслар тасвири эътиборни жалб этади. Бобурнинг аруз, мусиқа ва ҳарбий соҳаларга оид насрий асарлари илмий асарлар дир.

Ўн биринчи мавзу

XIV аср ғазалиёти ва мусиқий талқинлар. Лутфий.

Адабиёт: Адабий мерос намуналари. Ўзбек адабиёти бўстони. Кўп томлик, “Меҳрибоним қайдасан” Т., 1990; Бобораҳим Машраб. Ўқитувчи, 1991; Машраб, Танланган асарлар. Т. 1971; Машраб, Девон. Т. 1980; Ҳувайдо. Танланган асарлар. Т., 1961.

XVII аср ўзбек адабиётининг йирик вакилларида бири Бобораҳим Машрабдир.

Машраб ижтимоий муҳит иллатларини танқид қилган, исёнкор шеърлар яратган, самимий севгини тарғиб қилувчи халқчил, жўшқин ва хароратли шеърлар битган.

У 1640 йилда Наманганда бўзчи оиласида тўғилган. Ёшлигиданок турли масалалар ҳақида эркин фикр юритишга, бошқаларнинг фикрига танқидий ёндашишга интилан. Мактабда домласи билан кўп масалаларда торташгани ҳақида ривоятлар бор.

Шудан кейин отаси уни Мулло Бозор охунд деган эшонга топширган. Бу эшон Машрабни 25 ёшларида Қашғарлик Офок Хўжа эшога мурид қилиб юборган. Машраб эркин фикрлаши, исёнкор шеърлари ва эшоннинг чўриларидан бирини севиб қолганини туфайли бу даргоҳдан қувилган.

Шундан Машрабнинг каландарона ҳаёти бошланган. 1711 йил Кундуз шаҳрида аштархонийлардан Маҳмуд Қатағон фармонига кўра осиб олдирилган.

Бу даврда тасавуфнинг, қаландария тариқати кенг ёйилган. Машраб бир ғазалида қаландария тариқатини қабул қилиш сабаблари ва ундан кузатган мақсадларини ифодалаган. (Девони Машраб, Т. 1980, 74-бет.)

Бу тариқат Машраб яшаган замонда жамиятнинг маънавий – ижтимоий ҳаётида ижобий аҳамиятга эга бўлган.

Машрабнинг айрим шеърларида “қаландар” ёки “шоҳ қаландар” ибораларининг учраши, унинг номига “бобо” сўзининг қўшиб айтилиши ва халқ орасида “шоҳ Машраб” иборасининг кенг тарқалганлиги Машраб қаландарлар гуруҳи пешвоси бўлганидан далолат беради.

Машраб девонидаги шеърларни ғоя ва мазмун жиҳатидан шартли тарзда уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Исёнкорона шеърлар – замона зулмига қаратилган.
2. Ошиқона шеърлар.
3. Сўфийна шеърлар. (39, 71, 83-бетлар.).

Машраб ўзбек адабиётида ғазал жанрини янада халқчил ва ранг – баранг ва ижтимоий бўлишига катта хисса қўшди.

Мустазод жанридаги и шеърлар Иашраб ижодида олоҳида ўрин тутди. Унинг *Мурабба* ва *мухаммаслари* ҳам жуда ўйноқи оҳангда ёзилган. Унинг шеърлари ҳофизларнинг севимли қўшнига айланган.

Унинг шеърлари қўлёзма – ҳолида ва босма нашрлар орқали халқ орасига ёйилган, Машраб шеърлари кўпгина шоирлар ижодига ўз таъсирини кўрсатган. Машраб ғазалларига Нодира, Равнақ, дтлшод, Фурқат ва Андалиб каби шоирлар мухаммас ва татаббулар яратадилар.

Хувайдо. Сўфиёна тимсол ва рамзлардан кенг яойдаланган шоирлардан бири Хўжаназар Ғоёибназар ўғли Хувқйдодир (? – 1780).

Хувайдо Ўшда туғилиб, Фарғонанинг Чимён қишлоғида яшаб ўтган. Унинг отаси Офокхўжа эшоннинг муридларидан бўлган.

“Девони Хувайдо”да:

351 та ғазал,

3 та маснавийси ва

28 та рубоий

Кичик жанр шеърлари бор

41 та тўртлик

Хувайдонинг тасаввуфина руҳидаги она ғалалларига Ҳазиний Хукандий, Мухлис, Шавқий Намангоний каби шоирлар назира, тазмин ва мухаммаслар битишган.

Хувайдо асарларида худо ва пайғамбарга мадҳ, чаҳорёрларга ихлос; рўза, ибодат, ҳаж закот, жаннат, дўзах ҳақидаги қараслар кенг ўрин олган. У ҳам Машраб сингари дунё найрангларида қаттиқ изтироб чекади. Бу унинг диний ва сўфиёна руҳидаги ғазалларида акс этиб туради.

Хувайдо Машрабдан ҳам ғоявий, ҳам бадий руҳ олиб шеърлар ёзган: (35 – бет, “Куйгай”) (Машраб: “Ўртар”)

Хувайдонинг “ишқи илоҳий”ни куйлаган ғазаллари талайгина.

Қолмас эрди заррача кўнглимда армоним менинг,

Ўлсам эрди олдида гулдек жамолиға қараб.

Не қилай жаннатни мен анда юзингни кўрмасам,
Саҳл эрур машҳар азоби, бул манга қаттиқ азоб.

Хур ила жаннатнинг нетай анда юзингни кўрмасам,
Хаста ҳувайдо оҳиға ҳавз ила кавсарнинг куяр.

(63 – бет)

Дарди йўқ бедард кишилар дард қадрин на билур,
Дунёда номард кўпдур, мард қадрин на билур.
Жон узиб, жон аврадим, жон чекиб жоноға
Фаҳми йўқ бефаҳмлар пайванд қадрин на билур.

(65 – бет)

Дарди йўқ танни Ҳувайдо тан дема
Бўлмаса бир зарра анда дарди ишқ...

Бўлмаса ул тан аро ишқу муҳаббатдан асар
Сурати девор эрур билгин анингки, жони йўқ...

(79 – бет)

Хувайдо девони ғазал, мусаддас, мусамман, мустазод, рубоийлардан иборат. Бундан ташқари, ўғлининг вафоти муносабати билан ёзилган “Марсия” бор (89 – бет).

Хувайдо “Роҳати дил” маснавийсини яратган. Бу асар ахлоқий – дидактик дostonдир.

Ўн иккинчи мавзу

*Асарларда соз ва сўз марбутлиги. Ўқиш ва таҳлил. Навоий ғазаллари
муסיқа маданиятимизда. “Ушшоқ” (Қора кўзим) таҳлили*

Адабиёт: Ўзбек адабиёти тарихи. Т., 1964.

Бу давр маданий ҳаётида Шермуҳаммад Мунис ва Муҳаммадризо Огаҳий ижоди салмоқли ўрин тутди.

Шермуҳаммад Авазбей ўғли Мунис (1778 – 1829, Хива)нинг отаси Аваз Хива хонлигида бош мироб ва кемалар нозори бўлган.

Мунис авал мактаб, кейин мадрасада таҳсил кўрган.

Муниснинг ижодкор сифатида Киромий, Равнақ, Нишотий, Андалиб каби шоирлар ижоди самарали таъсир кўрсатган.

Мунис 6000 байтдан иборат девон тузиб, уни “Мунис ул – ушшоқ” деб номлаган қўйди.

Унинг девони қасида, ғазал, таркиббанд, қитъа, мусаддас ва мухаммас, рубоий ва муаммо, маснавий ва туюқлардан ташкил этади. Шоир девонига дебоcha ҳам ёзган.

Девондаги ғазалларнинг аксарияти ишқ – муҳаббат мавзусидадир. Шоир ишқий ғазалларида ўзини ошиқлар “қибланома”си деб атайди. Ғазалларида анъанавий поэтик тасвирлар билан бир қаторда, талайгина ўзига хос янгиликлар ҳам мавжуд.

Маъшуқанинг юзини қуёшга, ўзини унинг олдида заррарга тенглаштиради; дилбарнинг жафокор эмас, балки раҳмдил ва вафодор бўлишини истайди.

Шоирнинг фикрича, муҳаббат икки томондан бўлмаса, ошиқ ва маъшуқа орасидаги муҳаббат униб – ўсмайди, балки бахтсизлик келтиради. Икки томоннинг бир – бирини севиши ва севилиши ишқнинг асосий шартидир.

Навоийнинг анъаналарини давом эттирган:

Қилса қосид аҳли бежо сўз аро йўқдир ғамим

Ким бу маънида Навоий руҳи ҳомийдур манга

Шеърларида ишқий мавзудан ташқари:

Ижтимоий мотивлар

Замонага нисбатан норозилик;

Илм – маърифат мавзулари ҳам салмоқли ўрин эгаллайди (23 – б).

Бундай “шикоятномалар” баъзан 23 – 33 байтлик ғазалларда ифодаланган. Муниснинг лирик девонъдан ташқари “Фирдавс ул – иқбол” (қадим замонлардан 1813 йилгача бўлган Хоразм тарихи. Муҳаммад Раҳимхон I замони)ни ёзган (Огаҳий давом эттирган);

“Равзат ус – сафо” – Мирхонд асарининг биринчи жилдининг ўзбекчага таржима қилган. “Саводи таълим” асарини битган.

Муҳаммадризо Огаҳий (1809 – 1874). Хоразм адабий муҳитининг яна бир йирик намояндаси – Муниснинг жияни Муҳаммадризо Огаҳийдир. Унинг отаси Эрнийезбек Муниснинг укаси бўлган.

Муҳаммадризо Огаҳийнинг ижодий камолотида замондошлари Мунис, Комил, Рожий, Феруз каби шоирлар билан бир қаторда Лутфий, Навоий, Фузулий, Равнақ, Андалиб, Нишотий каби салафларининг мероси ҳам муҳим ўрин тутди.

Муҳаммадризо Огаҳий уч яшарлигида отадан етим қолиб, Мунис кўлида тарбияланган. Мактаб, мадрасада ўқиган. Мироблик билан шуғулланган, саройда мирзалик қилган. Поэтик мероси (шоир умрининг охирида тузилган) “Таъвиз ул – ошиқин” деган девонида жамланган бўлиб, мавзулар кўлами ниҳоятда кенг. Лирикасининг асосий мавзуси – ишқ.

Огаҳий ушбу мавзудаги шеърлардасевиш ва севилиш, синаш ва синалиш, ошиқ ва машуқанинг ҳар жиҳатдан бир – бирига муносиб бўлиши тўғрисида сўз юритади.

Эй кўнгил, кимда ким сени севмас,

Қоч анинг теграсига айланма.

Гар насиҳат қилурда ўтганлар,

Дедилар: “суймаганга суйкалма”

Самимий ошиқ билан маъшуқа орасига рақиблар, ағёрлар, хусуматчилар суқулиб кириб, турли фитналар қилганида ҳам ошиқ ва машуқа бир – биридан воз кечмаслиги, ранжимаслиги, ўзини дадил тутиши,

тушкунликка тушмаслиги, қийинчтиликларни енгиб, дарди билан яшамоғи лозим, дейди (Огаҳий. Т., 1958. 42-б)

Огаҳий тарихчи олим сифатида ҳам талай асарлар яратган: “Риёз уддавла” (1844), “Зубдат ут – таворих” (1846), “Жомеъ ул – воқеоти султоний” (1857), “Гулшани давлат” (1865), “Иқболи Ферузий” (1872).

Огаҳий таржимон сифатида 19 та машҳур асарни форс тилидан таржима қилган. У:

Тарихий асарлар:

“Равзат ус – сафа” (2 – 3 жилдлар)

“Нодирнома” (?)

“Зафарнома” (Шарифиддин Али Яздий).

Бадиий асарлар:

“Ҳафтпайкар” (Низомий)

“Гулистон” (Саъдий)

“Ҳашт беҳишт” (Амир Хусраф)

“Юсуф ва Зулайҳо”, “Саламон ва Абсол”, “Баҳористон”
(Жомий)

“Бадое ул – вақое” (Восифий)

Ахлоқий асарлар:

“Қобуснома”, “Ахлоқи Муҳсиний” каби панднома асарларни таржима қилган.

Ўн учинчи мавзу

Навоийнинг “Сарви гулру келмади...” газали ва унинг муסיқий талқини.

Адабиёт: Адабий мерос намуналари. Турди. Танланган асарлар. Т., 1958; Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. Т., 1961; Ўзбек адабиёти бўстони. Кўп томлик, “Меҳрибоним қайдасан” Т., 1990; Бобораҳим Машраб. Ўқитувчи, 1991. Турди, Машраб ғазаллари 8 – 10 та матнини киритиш керак!

Амалий машгулот.

Шеърятда ижтимоий мавзулар.

Ўн тўртинчи мавзу

Навоийнинг “Меҳр кўп кўргуздим...” газали ва унинг муסיқийлиги, ижроси.

Табдил матнини яратиш

XIX аср иккинчи ярмида яратилган тазкирларда ижтимоий ҳаётдаги носозликлар, хонликлараро низолар, сиёсий беқарорликларга қарамай, адабиётда муайян ўзгаришлар бўлган қайд этилган. Мирсидиқ Ҳашматнинг

“Тазкират уш – шуаро”, Қори Раҳматулло Возеҳнинг “Тухфатул – аҳбоб фи тазкиратул – асҳоб” (“Сухбатдошлар таржимаи ҳолидан дўстларга тухфа” – 1871) тазкиралари билан танишсак, бунга амин бўламиз. Возеҳнинг тазкирасида Бухоро ва Қўқон адабий муҳитидан XVIII – XIX асрларда яшаб ижод этган 145 та шоир ҳақида маълумотлар топамиз.

XIX асрга келиб, Бухоро, Хива ва Қўқон йирик маданий марказга айланиб, уларда ўзига хос уч адабий муҳит шаклланган эди. XIX аср иккинчи ярмида Мирий, Юсуф Сарёмий, Мирзо, Ҳакима, Баёний, Муҳаййир, Феруз, Нодим, Отаниёз, Ҳайрат

Тўрақўрғоний, Аламкаш, Муқимий, Ғурбат, Бимий, Завқий, Фурқат, Ноқис, Иброт, Нозимахоним, Сиддиқий Ажзий, Ҳазиний, Табибий, Оразий, Сўфизода, Анбар Отин каби забардаст шоирларнинг етишиб чиққан.

Уларнинг ижодида тинимсиз давом этиб турган ўзаро урушлар, шиддатли сиёсий курашлар, фитналар, ижтимоий ҳаётдаги тартибсизликлар сўз юритилган ва бунга норозилик билдирилган.

Турди, Машраб, Гулханий, Махмур, Нодира, Увасий ижодида, айниқса бу яққол кўринади. Мунисдаги чуқур лиризм, Ғозийдаги нозик таъб, Ҳозикдаги жасорат, Гулханийдаги киноя – ю, Махмурдаги аччиқ тил кейинги авлод шоирлари ижодида ўзининг янгича талқинларини топди.

Шавқий, Вола, Аламкаш, Огаҳий, Рожий каби шоирлар анъанавий лирик мавзудаги ғазал, мухаммас, рубоийларини тўплаб, девон туздилар. Шавқий Каттақўрғонийнинг уч тилда – ўзбек, форс – тожик ва араб тилида (учта) девон тузгани манбалардан маълум.²

Бу давр шеърияти учун ҳам *ғазал* етакчи жанр саналади. Ушбу давр шеъриятида мумтоз адабиётимиздаги ҳаётга, инсонга муҳаббат, инсонпарварлик сингари энг яхши анъаналар давом эттиради. Шоирларнинг

² Шавқий. Шеърлар. Т., Ўз ССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1964, 6-б

шеърларида уларнинг Навоийга алоҳида ихлос ва муҳаббати яққол сезилади. Нозик туйғулар, ички кечинмалар, ишқ изтиробларининг ифода воситаси бўлмиш Шоирлар ўз даврининг фарзанди сифатида маърифатпарварлик қарашларини илгари суришган. Бу уларнинг боғланиб кетган анъанавий лирик ғазал ва мухаммасларида ўз аксини топган.

Эй ватандош, ҳамфикр, ҳамзикрмиз, ҳамхонлар,
Бирга ўйнайлик, кулайлик жўралар – дугоналар...
Юртимизга раҳна солиб, кечалар бирдан кириб,
Роҳитимизни бузишга келмасун бегоналар.
Пок тупроқларни босиб, қилди ифлос ерларин,
Зоғ чанголидин ҳам мушкул эрур бедоналар.
Не гуноҳим борки, тожикман, тилимда турк сўзи,
Қипчоқу мўғул келиб, бошимга урғай фоналар.
Куйлангиз озодлик мазмунида, сиз, беибо,
Тингласун Тошканд, Хўжанд, Хўқанд ҳам Фарғоналар.
Сиз олинг мутрибалар, Барно ғазални бошласун,
Мовароуннаҳр аро парвоз этиб тароналар.

Бу каби алол – изтироблар мазкур ғазал муаллифи шоира Дилшод Барнонинг шеърларидагина эмас, замон шоирларининг аксарияти ижодида ўз иродасини топган.

Шоирлар Турди, Махмур, Ҳозик кби салафлари изидан бориб, ғазалларда ижтимоий ҳаётни ёритишни, ҳажвия ёзишни янада юқорирок поғонага кўтардилар. Бу давр шоирлариорасида ижтимоий ҳаётга бефарқ, ундаги иллатларни ҳажв қилмаганлари кам. Бунинг учун улар деярли барча шеърӣй шакллардан фойдаланганлар. Шавқӣй Каатақўрғонӣй “Аҳли мансаб” шеърӣда шундай ёзади:

Урарлар аҳли мансаб эрталар члю, палов оқшом,

Сену мендекларга ҳаргиз муяссар йўк ғурунбоди.

Бу янглиғ фазлила найлай, чиқиб Қарнаб йўлин тутмай,

Бухоро ичра мансаб топдилар ҳар зоғу калходи.

Расолар ҳолини билмак учун Шавқӣй савол этди,

Қани бир аҳли дониш то жавобин қилсун иншоди!

Достончиликда ҳам маълум ютуқлар қўлга киритилди. Хиромӣй “Чор дарвеш², “Маҳвил оро”, Тўтинома”, “Раъно ва Зебо”, “Юсуф ва Зулайҳо”, Мирий “раъно ва Зебо” достонларини яратди.

Бу давр достончилигининг ўзига хос яна бир хусусияти давр тарихий мавзуда кўпгина дастонлар яратилгандир. Шавқӣй Намангонӣй “Тарихи Хўқанд”, “Жомеъул – ҳаводис”, “Пандномаи Худоёрхон”, “Жангномаи Худоёрхон” достонларини ёзган. Рожӣй Хўқандӣйнинг бу жанрдаги маснавӣйлари³ да замона зулми ва ҳалқнинг оғир ҳаёти акс этган. Шоир

³ Асрлар нидоси. Т., Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1982.

Каминанинг тарихий воқеаларга бағишланган достонида Тошкентнинг забт этилиши баён этилади.

Ажаб обод эди Тошканд диёри
Бузулди баъзи уйи рўзғори.
Бу ишларга ажаб чузи баҳона
Биродарлар охир бўлди замона.
Мусилмонга қазоқ бўлмади ҳомий
Ўрусқа қўшилиб кетди тамоми.
Бўлуб пучта урусларга қазоқлар
Мусулмонларни кўб қилдилар мазоқлар.
Қилиб ўлжа, асир айлаб олур мол
Киши ҳеч сўзламас ҳаргиз тили лол.
Шаҳид бўлди неча мардаз (?) жонлар
Бўлуб ул кун асир бўлуб қизу жувонлар.
Бузулди гўё Тошканд диёри
Ярошиб қолдилар охири кори.
Мусулмонлар қирилди дин талошиб
Кучи етмади охир, қолди шошиб.
Ётиб ул дам ўрус Тошқанд ерида

Хусусан, қолди кўб жондарол⁴ дилида.

Қирилғони они ёдиға тушди

Яна қайтиб, бало бўлуб ёпушти⁵ ...

Бу даврда яратилган тарихий мавзудаги дostonларда бадий сўз намуналари бўлибгина эмас, ўша мудҳиш кунлар тўғрисидаги аччиқ ҳақиқат ифодаланган.

Шавқий Каттақўргонийнинг араб грамматикасига оид “Рисолаи қофия ё миръотун наҳв” асари, “Мухтасар ул – виқоя”нинг шарҳи; унга тузилган луғат бу даврда тилимизнослик адабиётшунослик йўналишида ҳам изланишлар давом этганидан далолат беради.

Таржимачилик соҳасида ҳам катта ютуқларга эришилди. Огаҳийнинг Шарқ мумтоз адабиёти бурдоналаридан “Тулистон”, “Юсуф ва Зулайхо”, “Шоҳу гадо”, “Саломон ва Абсол”, “Баҳористон”, “Ҳафт пайкар”, “Ҳашт беҳишт”, “Зубдатул – ҳикоёт”, “Бадоеъ ул – вақоеъ” каби таржималари билан эътибор қозонди. Комил Хоразмий, Баёний, Табибий, Рожий, Сидқий, Алмаий ҳам қатор асарларни таржима қилишга ўзбек тилига.

Ўн бешинчи мавзу

Ҳусайнийнинг “Ўта” радифли газали, ёзилиш тарихи, бадийяти.

XIX аср 50 – йилларига келиб, Россия Ўрта Осиёни ўз мустамлакасига айлантиришга жиддий саъи ҳаракат бошлади. 1853 йил 9 август (28 июл)да Қўқон хонлигининг энг шимолий чегара истеҳкомини Оқмачит рус

⁴ Жондарол – генерал.

⁵ Камина. Тошкентнинг забт этилиши. “Турон тарихи”, 1993 йил, май, 12 – бет.

қўшинлари томонидан эгалланди ва ўрнида Перовск форти ташкил этилди (1924 йилдан Қизил Ўрда деб номланган). Оқмачитнинг олинishi Россиянинг бу ўлкаларга кириб келиши учун *Марказий Осиё* тарихида хал қилувчи рол ўйнайди. Шундан кейин рус қўшинлари мудофаа қалъалари, шаҳар ва кентларини бирин – кетин босиб олиб, Тошкентга яқинлашиб келаверди.

Бир неча ой давом этган қонли қирғинлардан кейин рус қўшини 1865 йил 17 июнда Тошкентни босиб олди. 1867 йилда Туркистон генерал – губернаторлиги ўрнатилди. Исёни бостириш баҳонанисда 1876 йилда Қўқон хонлиги батамом тугатилди.

80 – йилларга келиб, Русия Марказий Осиёни батамом ўз тассаруфига олди. Бухоро ва Хива хонликлари Русия вассалига айлантирилди.

Чор ҳукумати мустамлака ўлкалардаги адабиёт ва санъати қаттиқ назорат остида сақлашга ҳаракат қилди. Туркистон генерал – губернатори И. А. Куропаткин кейинчалик бу даврларни эслаб, ўз кундаликларида “Биз 50 йил туб жой аҳолини таракқиётдан узоқлаштириб, мактаблар ва рус ҳаётидан четда тутдик”⁶, - деб ёзади.

Мустамлакачилар барча соҳаларда қаттиқ назорат ўрнатдилар; тошбосма нашрларда баъзан учрайдиган “Рекомендовано Царской цензурой” тамғаси ҳам шуни кўрсатади.

Аввал Тошкентда, кейинчалик Хева, Когон, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда босмахоналарнинг пайдо бўлиши “Туркистон вилояти газети” ва бошқа газеталар, журналлар чиқа бошлаши. Туркистон зиёлиларининг миллий онг ва тафаккурининг уйғонишида, маърифат ва маданиятга иштиёқнинг беҳад кучайишида муҳим роль ўйнайди. Русия мусулмонларини ҳам жаҳоннинг ривожланган халқлари қаторида кўриш ва бунинг учун маориф ва маданиятни ислоҳ қилишга қаратилган Исмоилбек Гасприли

⁶ Қосимов Б. Жадидчилик. “Ёшлик” ж-ли, 1990, 7-сон.

тарғиб қилган ғоялар чор маъмурияти томонидан қаттиқ қаршиликка учрайди.

Рус маъмурлари ва маҳаллий мутаассабларнинг қаршиликларига карамай, жаидчилик ҳаракати ўлка зиёлилари орасида тез тарқади. Бу ҳаракат маърифатчилик ҳаракати доирасидан чиқиб, адабиёт ва санъатга, сиёсий ҳаётга сингий борди

Шўроларнинг миллий адабиётга тазйиқ ўткизиш, адабий жараён, жиловини “марказ” кўлида маҳкам тутиш сиёсати чоризмдан мерос қолган эди. Бундай муҳитга мослашиш учун айрим зийлиларимиз адабиёт тарихини сохталаштиришгача бориб етдилар.

Ўша давр адабиётида энг яхши адабий анъаналар, яъни халқ ҳаётини яхшилаш чораларини ахтариш, меҳнаткашга ҳамдардлик, золимнинг зулмини қоралаш, фаровон турмуш орзуси, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ғояси ифодаланган.

Мунтазир, Муаззам (Хўжанд), Рожий (Хоразм), Муҳаммад Юсуф, Рожий Марғионий, Мирий, Юсуф Сарёмий, Мирзо, Ҳакима, Баёний, Муҳаййир, Феруз, Нодим Намангоний, Отаниёз, Ғайрат Тўрақўрғоний, Аламқаш, Муқимий, Ғурбат, Бимий, Абдураззоқ Андижоний, Алмаий, Завқий, Фурқат, Сўфий, Ноқис, Ибрат Исҳоқхон, Нозимахоним, Сиддиқий Ажзий, Роҳим Роҳиб, Ғазиний, Рожий Хўқандий каби ижодкорлар ижтимоий муҳитни танқид қилиш билан қаноатланмасдан эл – юрт ғамида чинакамига жон куйдиришга киришдилар. Улар мактаблар очиб, дарсликлар ёзишди, газета “Журнал”лар ташкил этиб, матбуот, театр санъатини ривожлантиришга жонбозлик кўрсатишди.

Муқимий, Фурқат, Завқий, Феруз кабиларнинг қўшиққа айланган шеърларини амалий машғулоти материал сифатида киритиш керак.

Ўн олтинчи мавзу

Бобурнинг “Хазон япроғи янлиғ” ғазалидаги бадиий санъатлар; ўқиш ва таҳлил.

Адабиёт: Адабий мерос намуналари. Қосимов Б. Маърифат даргалари. Т., 1990. Қосимов Б. Жадидчилик – Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари.

Адабиётда қадимдан анъанавий бўлиб келган ишқий мавзу, ушбу давр адабиётида етакчилмик қилади. Комил Хоразмий (1825 – 1899), Юсуф Сарёмий (1840 – 1912), Мирий (1839 – 1899), Мирзо (1840 – 1922), Мухаййир (1842 – 1918), Феруз (1844 – 1910), Табибий (1869 – 1910) каби шоирлар лирикаси анъанавий шеърятни янги образли ифодалар билан бойитди. Бу давр шоирлари ўз ишқий кечинмаларини баён этаркан, беихтиёр эл – юрт дардидан гап очишади. Уларнинг шеърларида чуқур инсоний дард, замон ташвиши, кишилар ўртасидаги самимият таҳчиллиридан зорланиш каби туйғулар акс эттирилган. Бу – давр иший лирикасини бошқа даврлардан ажратиб туради.

? нинг куйидаги ғазали ҳофиялар томонидан саваб куйлаб келинади:

Не сабабдан билмадим дилдор бормайман деди,

Дардим айтиб йиғласам, зинчор бормайман деди.

Ёнди жоним, эй пари, ҳажру фироқингда десам,
Ҳасратингни қилма кўп, эй бор, бормайман деди.

.....

Хали ишига десангиз, тайёр боргайман деди.

Муаллифи? Анъанавий ишқ мавзусидаги шеърларда ҳам даврнинг ижтимоий муаммолазига эътибор қаратилган.

Адабиёт учун қадимдан анъанавий бўлиб келган яна бир мавзу халқнинг *адолатли* ҳаёт ҳақидаги орзу – умидларининг ифодасидир. Келажакка умид, халқ озодлиги мотивлари, айниқса, Завқий ижодида бўртиб кўринади. Бу давр шеърлятида халқнинг туркун кайфиятининг ифодаси бўлмиш зорланиш, нолиш кайфиятидаги шеърлар ҳам кенг ўрин тутди.

Гунаҳ қилмоқда эй тан; ўйла, куйганингга арзирму?!

Бу янглиғ мнг йил умринг бир кун ўлганингга арзирму?!

Юрурсан айш бирла лаззат, нафсу ҳаво истаб,

Жаҳон ширинлиги ё талхаи жонингга арзирму?!

Йигитлик қувватини сарф этиб беҳуда ишларға,

Қариған вақтдаги афсусу армонингга арзирму?!

Жаҳонни киру доруссалтанатда шоғли тахти

Қоро ер остида бир кеча ётқонингга арзирму?!

Тааддий зулм ила бу жам қилған мулку амволинг

Кетар фурсатдаги ҳоли паришонингга арзирму?!

Минар бўлсанг сихатликда агар този нажот узра
Ёғоч от фикрини қилғилки, жавлонингга арзирму?!
Эрур машрикда хуршиди ҳаётинг, тавба қилмайсен,
Чиқар бўлганда мағрибдин пушаймонингга арзирму?!
Тириклик борида иста ҳақиқат ёрин, эй Завқий
Мажозийларни ишқи сўзи ҳижронингга арзирму?!⁷

Бу давр шеъриятида адолатли ҳаёт орзуси ва давр ҳаёти танқиди, халқни ғафлат уйкусидан уйғотиш мотивлари етакчилик қилади. Лирик қаҳрамон турмушда мавжуд иллатларга қарши курашга чақиради.

Оламга боқсанг ҳосили бошдин – оёқ кулфат эрур,
Бир роҳатинг кейнида беҳадду сон меҳнат эрур.
Бир ошиқиким лаҳза топса висоли дилбарин,
Доим ҳамул бечорага сўнгра ғами Фуркат эрур.
Йўқдир жаҳонга эътимод, ушбу жиҳатдин, эй кўнгил,
Ким инқилоб этмак анга даврон аро одат эрур.
Ғаргиз, Табибий, кўнглинга келтурма фикре бешу кам,
Ким они севмас даҳр аро ҳар кимиким хушбахт эрур.

Ўрта аср пандномалари ёки мавъиза шаклидаги шеърлар, насрий асарларда инсон шахсидан талаб этиладиган барча фазилатларни баравар

⁷ С. Сидқий. Савғоти Шавкат. Т., 1913.

тарғиб қилиш ғолати кузалитар эди. XX аср боши адабиётида эса илму маърифатга ва адолат учун курашга чақирилар кучли оҳангларда янгради.

Ғазиний, Хислат, Тавалло, Васлий, Суфизода, Камий каби шоирлар номи эл орасида машҳур бўлса ҳам, ҳукмрон мафкура талабаларига кўра шўро даврида улар ижоди ўрганилмай, четга суриб қўйилган эди.

Ғазиний (1867, Қўқон) шеърлари ҳофизлар тамонида куйлаб келинади. Унинг баёзлари 1910 йилдан бошлаб бир неча нашр қилинган.

Тошкентнинг Қўкча даҳасида зиёли оиласида дунёга келган Тавалло (1882 – 1939) эски мактабда савод чиқаргач, Бекларбеги мадрасасида ўқиди. Таваллонинг шеърлари XX аср бошларидан босилиб чиқа бошлаган бўлса – да, 1914 – 17 йиллар унинг ижодида сермахсул палла бўлди. Бу давр матбуотида унинг шеър ва мақолалари кўп чоп этилган. 1916 йилда унинг “Равниқ ул – ислом” китоби босилиб чиққан. Бу китобда, асосан, ислом дини, Туркистон халқларининг равнақи тўғрисида сўз юритилган.

Туркистоннинг мустақиллиги, озодлиги учун шиддатли кураш авж олган бир пайтда ижодкорлар ўз бурчини халқни шу куоашга тайёрлашда деб тушунишган. Тавалло, Сидқий, Завқий, Анбар Отин ижодидан бунга кўплаб мисоллар топиш мумкин. Тавалло, Сидқий, Суфизода каби шоирлар 1917 йил феврал инқилобини шодёна билан кутиб олишди, уни олқишлаб, хурриятни куйлаб талай шеърлар яратишди. Бироқ Октябрь тўнтаришини қабул қила олишмади.

Абдулла Қодирий бу даврни тасвирлаб шундай ёзади: “Айниқса 1916 йил рабочий олиш масаласидан кейин, умуман, Туркистон ишчиларида уйғонган истибдодга нафрат менда ҳам кучлик эди. Феврал инқилобидан кейин “учредительное собрание” бўлар эмуш, деган гап чиқди. Ўзимиздан бўлса “Турон жамияти”, “Турк адам марказият”, “Мухторият”, “Уламо жамияти”, “Шўрои ислом” деган муаммолар тўқилиб миям шишди” (“Таржимаи ҳол” дан).

Шоир ва адибоаримизнинг кўплари, яхши умидлар билан шўро иродаларига кириб ишлай бошлашди.

Феруз ва Фурқат ўз пайтида халқни маърифатга чақирган бўлсалар, Дукчи эшонга ўхшаганлар жаҳодга чорладилар. Муқимий тасвиридаги “беллашган” бўлсалар, Бухоро амири жаҳидларни қатаҳон қилишда большевикларга ўрнатқ кўрсатди.

Беҳбудий, Ф. Хўжаев, Фитрат каби халқнинг фидойи фарзандлари жоҳиллик ва ижтимоий адолатсизликни маърифат воситаси билан енга олмагач, аввал Россия мустабидлари, сўнг шўролар билан муроса қилишга мажбур бўлдилар.

Агар Чор Россияси халқимизни турғунликда, қолоқликда тутишга уринган бўлса, большевик – шовенистлар маҳаллий халқларни ўз миллий манъавиятидан бегоналаштириш йўлини тутдилар. Аммо улар ўз маданий – маънавий қадриятларини қаттиқ туриб ҳимоя қиладиган халқ олдида турганларини ҳисобга олмадилар.

Шундай бир тарихий шароитда адабиётнинг ўрни қандай бўлиши керак? 1917 йил феврал воқеаларини шоирлар чинакам мустақиллик деб қабул қилдилар.

14 мартда Тошкентда “Шўрои ислом” нинг 15 кишилиқ риёсати тузилди. Унинг ҳайъатига Фитрат, Мунавварқорилар кирдилар. Шоир садқийнинг бу воқеани улуғлаб, “Россия инқилоби” достонининг бир бобини “Шўрои исломия”га тарғиб, илмға ташвиқ, жаҳолатдан таҳзир” деб номлаган.

Шоирдан, бу даврда, замон билан ғамнафас, халқ билан ҳамдард бўлиш талаб этила бошланди:

Эй Камий, шоирлик узра мунча қилмай лоф – қоф,

Муҳийдек мунча узоққа бордингиз то Кўҳи Қоф?

Ул ғазиний пайрави бўлмоқ ила томас назар

Шоир ўлмоқдан умиди бўлса қилмас ҳеч лоф.

Аввало ўйланг, эл ичра зиндаги қай хилддадур,

Икки ёқлик зулмни сиз, айланг ҳамиша эътироф.

(А. Отин. Т., 1963, 20 – бет)

Ўн еттинчи мавзу

*Маширабнинг “Ўртар” ва “Бўлмас” радибли газаллари, мусиқа, ижро
ва мазмунда боғлиқлик сирлари; ўқиш ва таҳлил.*

Адабиёт: Адабий мерос намуналари. Абдулла Қодирий, Ҳамза, Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий асарлари.

Ҳаётда авж олган ислохотчилик кайфияти адабиёт ва санъатни ҳам қамраб олди. Минг йиллик анъанавий адабиётўрнида янги замонавий адабиёт, янги адабий тур ва жанрлар, ўзига хос янги адабий тил шакллана бошлади. Матбуот билан бирга турли соҳаларни қамраб ўзгариши содир бўлиб, бармоқ вазнидаги ижтимоий – маърифий шеърят, ҳикоя, драматургия майдонга келди. Бу хилдаги янги адабиётнинг вакиллари Беҳбудий, Сиддиқий – Ажзий, А. Қодирий, Ҳожи Муъин, А. Авлоний, Ҳамза, Сидқий, Иброҳим Даврон, Абдулла Бадрий, Хуршид, Чўлпон каби ижодкорлардир.

Анъанавий адабий оқим вакиллари Завқий, Нодим, Ибрat, Васлий, Камий, Хислат, Мискин, Аваз Ўтар, Баёний ижодида ҳам анъанавий ишқий мавзудан ташқари, баъзан давр воқелиги тўғрисидаги мулоҳазалар аруз вазнида ўз ифодасини топди.

Булар ҳам тараққийпарвар ёшлар қатори маърифатпарварлик қарашларини шеърга солиб ёки мақола шаклида матбуот саҳифаларида изҳор этдилар.

Асосий мақсади маърифат тарқатишга қаратилган жадиdчилик ҳаракати ўзининг адабиётини яратди. Бу адабиётдастлаб ижтимоий – маърифий, кейинчалик пасайтирган йўқ. Аксинча, давр адабиётининг моҳиятни англашга, ундаги айрим мураккабликларни ўзига хос равишда тушунишга ёрдам беради.

Шу пайтдаги сиёсий тарафкашликлар муносабати билан шоирлар халқни бирдамликка чақирадилар. Бундай даъватларни Сидқийнинг “Уммиди иттифо”, Ғамзанинг “Йиғла, Туркистон” шеърларида кузатишимиз мумкин.

Бу давр қаламкашлар мумтоз шеъриятдаги анъанавий мавзулар билан чекланилмаган. Бу даврда аксарият ижодкорлар замон билан ҳамнафаслик давр талаби эканини чуқур ҳис этилган.

Ўн саккизинчи мавзу

Тасаввуфий ғазаллар. “ишқи – ҳақиқий”, “таърифи”, “илоҳий” қўшиқлар.
Ўқиш.

Амалий дарсларни мавзулар бўйича аралаш ўқитиш ҳам мумкин.

Якуний назорат. Назорат таянч сўз ва ибораларга асосланиб тузилган саволлар юзасидан ёзма жавоблар тарзида ўтказилади.

ЎЗБЕК МУМТОЗ ШЕЪРИЯТИ АСОСЛАРИ ФАНИДАН ТЕСТЛАР

1. Мавхум тушунча ёки ҳодисани конкрет нарса орқали ифодалашга асосланган кўчим тури нима дейилади?

А. Сифатлаш

*В. Аллегор

С. Муболаға

Д. Мувашшаҳ

2. Шеърий нутқда бир хил ундош товушларнинг такрорланишига асосланган кўриниши нима дейилади?

*А. Аллитерация

В. Аллегория

С. Аналогия

Д. Сифатлаш

3. Арузнинг қайси баҳри фоилун (- V -) ва фоилотун (- V - -) аслларининг кетма – кет такроридан ҳосил бўлади?

А. Ҳазаж

*В. Амиқ

С. Ражаз

Д. Мутақориб

4. Бобур “Мухтасар” асарида:

Кел бери, эй париким, ҳажрдин хастадурман,

Лаълингга ташнадурман, зулфингга бастадурман.

байтини қайси баҳрга мисол сифатида келтирган?

А. Мутақориб

В. Ҳазаж

С. Ражаз

*Д. Амиқ

5. Сўз ёки сўзлар гуруҳининг мисра ёки банд бошида такрорланиши нима дейилади?

- А. Сифатлаш
В. Муболаға
*С. Анафора
Д. Аннотация
6. Аруз тизими қандай шеър тизимига мансуб?
А. Силлабик
*В. Метрик
С. Гекзаметрик
Д. Бармоқ
7. Қандай шеър тизими қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ ҳижоларнинг муайян тартибда гуруҳланиб такрорланишга асосланади?
А. Бармоқ
В. Эркин
*С. Аруз
Д. Сонет
8. Ўзбек арузшунослигида нима энг кичик ритмик бирлик деб кўрсатилади?
А. Рукн
*В. Ҳиҷо
С. Баҳр
Д. Ҳарф
9. Алишер Навоийнинг қайси асарида аруз шеър тизими ҳақида сўз юритилган?
А. “Ҳамса”
В. “Ҳазойин ул маоний”
С. “Маҳбуб ул қулб”
*Д. “Мезон ул авзон”
10. Аруз шеър тизимидаги қайси баҳр мафойилун (V - - -) ва фаувлун (V - -) аслларининг кетама – кет такроридан ҳосил бўлган?
*А. Ариз
В. Ҳажаз

С. Мутақориб

Д. Амиқ

11. Бобурнинг “Мухтасар” асарида:

Лабинг маржон, тишинг дур, хидинг райҳон, кадинг гул,

Сочинг анбар, юзунг хур, менгинг мўлтон, юзинг мул

байти қайси баҳрга мисол сифатида берилган?

А. Мутақориб

В. Сариъ

*С. Ариз

Д. Рамал

12. Шарқ шеъриятида икки мисрали банд тури нима дейилади?

А. Аруз

*. Байт

С. Мисра

Д. Ҳижо

13. Аруз шеър тизимидаги қайси баҳр мустафъилун (- -V -) ва фоилун (- V -) аслларининг такроридан ҳосил бўлади?

А. Рамал

*В. Басит

С. Ҳазаж

Д. Комил

14. Алишер Навоий “Мезон ул авзон” асарида:

Ишқнинг мени туну кун мажнуни зор айламиш,

Кўнглумни зору ҳазин, жисмим низор айламиў

байтини қайси мисол сифатида кўрсатади?

А. Ҳазаж

В. Рамал

*С. Басит

Д. Мутадорик

15. Арузда ёзилган шеърда рукнларнинг такрорланиш тартиби, муайян шеърдаги ўлчов асоси нима дейилади?

А. Мисра

В. Қофия

*. Баҳр

Д. Рукн

16. Қайси сўз “уй” деган маънони билдиради?

А. Баҳр

*В. Байт

С. Рукн

Д. Мисра

17. Аруз тизимидаги шеърларда айрим ёпиқ ҳижола охиридаги ундошни вазн талаби билан кейинги унли билан бошланган сўзнинг биринчи ҳижосига кўшиб ўқиш ҳодисаси нима дейилади?

А. Ҳарф

*В. Васл

С. Фоилотун

Д. Зиҳоф

18. Аруз шеър тизимидаги қайси баҳр мафоилатун (V - V V -) аслининг такроридан ҳосил бўлади?

*А. Вофир

В. Ҳазаж

С. Рамал

Д. Мутадорик

19. Бобур “Мухтасар” асарида

Кел эй қаро кўз, манга гузар эт,

Будур санга сўз, манга назар эт

байти қайси баҳрга мисол сифатида келтирилади?

А. Ҳазаж

В. Рамал

С. Мутадорик

*Д. Вофир

20. Аруз тизимидаги шеърларда сокин ва мутаҳаррик ҳарфларнинг муайян тартибда бирикишидан ҳосил бўладиган ритмик бирлик нима деб аталади?

А. Ҳазаж

*В. Ватад

С. Рамал

Д. Вофир

21. Аруз шеър тизими асосини ташкил этувчи саккизта аслнинг сифат ва миқдор жиҳатидан турли ўзгаришларга учраши нима дейилади?

А. Жузв

*В. Зиҳоф

С. Зулқофиятайн

Д. Тақтиъ

22. Аруз тизимидаги шеърларда байт таркибида уч ёки ундан ортиқ қофиядош сўзлар жуфтлигини келтириш нима дефилади?

А. Зулқофиятайн

*В. Зулқавофиъ

С. Зиҳоф

Д. Жузв

23. Аруз тизимидаги шеърларда мисралардаги барча сўзларнинг ўзаро қофиядош бўлиши нима дейилади?

*А. Тарсеъ

В. Зулқофиятайн

С. Зиҳоф

Д. Зарб

24. Шеърда иккинчи мисранинг сўнгги бўлагини зарб билан, урғу билан айтиш нима дейилади?

*А. Зарб

В. Зиҳоф

С. Жузв

Д. Зулқофиятайн

25. Шеърда бир сўзни бир жойнинг ўзида икки маънода ишлатиш нима дейилади?

А. Изометрия

*В. Ийҳом

С. Ийжоз

Д. Издивож

26. XV асрда ёзилган “Фунун ул балоға” рисоласи муаллифи ким?

А. Ибн Мўътаз

*В. Шайх Аҳмад Худойдод Тарозий

С. Наср бинни Ҳасан

Д. Қудамма ибн Жаъфар

27. Бадиий асарда жонзотлар ва жонсиз нарсаларни одамлар каби сўзлатиш санъати нима дейилади?

А. Ирсол ул масал

В. Лирик чекиниш

*С. Интоқ

Д. Назира

28. Шеърда муайян ниятини ифодалаш мақсадида ҳикматли сўз, мақол ёки матал келтириш санъати нима дейилади?

А. Интоқ

*В. Ирсол ул масал

С. Перифраза

Д. Ийҳом

29. Лутфийнинг шеъридаги:

Ерга кирсам кошки, чун етмас ул ойга илик,

Мушкул аҳволе тушубдур: ”Ер қатиқу кўк йироқ”

байтида қандай бадиий санъат қўлланган?

А. Интоқ

*В. Ирсол ул масал

С.Раддул қофия

Д. Тасбеъ

30. Шарқ шеъриятида шоир тахаллусининг ҳам луғавий маъносида, ҳам тахаллус сифатида ишлатилиши берилган жавобни топинг.

А. Ифрот

В. Мушокил

С. Тасбеъ

*Д. Иттифок

31. Алишер Навоийнинг шеъридаги:

Фиғонким, кўнглим олғон дилбарим дилдорлик билмас,

Билур ошиқни ғамгин қилмоқу ғамхорлик билмас

байтида қандай бадий санъат қўлланган?

А. Зулқавофиъ

В. Бадиҳа

*С. Иштиқоқ

Д. Илтифот

32. Бобурнинг шеъридаги:

Лабинг бағримни қон қилди, кўзимдин қон равон қилди,

Нега ҳолим ёмон қилди, мен андин бир сўрорим бор

байтида қандай санъат қўлланган?

*А. Ийҳом

В. Ийжоз

С. Муболаға

Д. Радд

33. Аруз шеър тизимидаги қайси баҳр мутафоилун (VV - V -) аслининг такроридан ҳосил бўлади?

А. Рамал

В. Мутадорик

*С. Комил

Д. Сариъ

34. Алишер Навоий ғазалининг:

Фиғонким, кўнглим олғон дилбарим дилдорлиғ билмас,

Билур ошиқни ғамгин қилмоқу ғамхорлик билмас

байтида қандай бадийий санъат қўлланган?

А. Лафф ва нашр

В. Ифрот

С. Рамал

*Д. Иштиқоқ

35. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонидаги:

Яна қадаҳини тошқа урдинг,

Жола гуҳарини бошқа урдинг

байтида қандай бадийий санъат мавжуд?

*А.Зулқофиятайн

В.Зулқавофиъ

С. Иқтибос

Д. Китобат

36. Арузда жузв (туркий арузда ҳижо)ларнинг муайян тартибда бирикишидан ҳосил бўладиган ритмик бўлак кўрсатилган жавобни белгиланг.

А. Баҳр

*В. Рукн

С. Ружу

Д. Фоилотун

37. Сокин ва мутаҳаррир ҳарфларнинг муайян тартибда бирикишидан ҳосил бўлувчи ритмик бирлик берилган жавобни кўрсатинг.

А. Ватад

*В. Сабаб

С. Фосила

Д. Рукн

38. Аруз тизимида ундош товушлар билан тугаган ҳижолар қандай ҳижо саналади?

А. Қиска

В. Ўрта

*С. Чўзиқ

Д. Чўзиқ – қиска

39. Аруз тизимида чўзиқ ҳижонинг қиска ҳижо, қиска ҳижонинг чўзиқ ҳижо тарзида ўқилиши дейилади?

А. Сабаб

В. Фосила

*С. Имола

Д. Рукн

40. Аруз тизимида мисранинг ритмик бўлаклари, яъни ҳижоларнинг турок типига гуруҳлари қандай номланади?

*А. Рукн

В. Имола

С. Баҳр

Д. Фаулун

41. Арабча “рукн” сўзининг луғавий маъноси нима?

А.Кўприк

В.Арқон

С.Қозиқча

*Д.Устун

42. Аруз тизимида рукнлар ҳижоларнинг миқдори ва чўзиқ ёки қисқалигига қараб, нечта аслга бўлинади?

А.Олтита

В. Еттита

*С. Саккизта

Д. Тўққизта

43. Аруз шеър тизимида нималар айрим ўзгаришларга учраб, турли ритмик бўлакларни вужудга келтиради?

А. Бахрлар

*В. Асллар

С. Ҳижола

Д. Қофиялар

44. Аруз тизимида шеър байтидаги биринчи мисранинг боши нима дейилади?

А. Ажуз

*В. Садр

С. Аруз

Д. Ибтидо

45. Аруз тизимида шеър байтидаги биринчи мисранинг охири номи берилган жавобни аниқланг.

*А. Аруз

В. Ажуз

С. Садр

Д. Зарб

46. Аруз тизимида шеър байтидаги иккинчи мисранинг боши нима дейилади?

А. Имола

В. Асл

С. Садр

*Д. Ибтидо

47. Аруз тизимида ҳар икки мисранинг, яъни садр билан аруз, ибтидо билан ажуз (зарб)нинг ўртаси нима деб юритилади?

А. Имола

В. Баҳр

*С. Ҳашв

Д. Рукн

48. Алишер Навоий шеъридаги:

Кўзинг не бало қаро бўлубтур,

Ким жонга қаро бало бўлубтур

байтида қандай стилистик усул қўлланган?

*А. Палиндром

В. Зулқофиятайн

С. Имола

Д. Ўхшатиш

49. Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул аброр” достони аруз тизимининг қайси баҳрида ёзилган?

А. Ҳазаж

В. Мутақориб

*С. Сариъ

Д. Ҳафиф

50. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони аруз тизимининг қайси баҳрида ёзилган?

*А. Ҳазаж

В. Мутақориб

С. Сариъ

Д. Ҳафиф

51. Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони аруз тизимининг қайси баҳрида ёзилган?

А. Мутақориб

*В. Ҳазаж

С. Сариъ

Д. Ҳафиф

52. Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достони аруз тизимининг қайси баҳрида ёзилган?

А. Мушокил

В. Ғариб

*С. Ҳафиф

Д. Музориъ

53. Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достони аруз тизимининг қайси баҳрида ёзилган?

*А. Мутақориб

В. Сариъ

С. Рамал

Д. Ҳазаж

54. Аруз тизимида шеърда икки ёки уч қисқа бўғиннинг ўзидан кейин келувчи бир ўзиқ бўғин билан бирикишидан ... ҳосил бўлади. Нуқталар ўрнига тўғри жавобни қўйинг.

*А. Фосила

В. Ватад

С. Имола

Д. Сабаб

55. Аруз тизимида шеърда қисқа ва чўзиқ ҳижолатнинг бирикишидан нима ҳосил бўлади?

А. Сабаб, Ҳафиф, ражаз

В. Ватад, рукн, баҳр

*С. Сабаб, ватад, фосила

Д. Рукн, баҳр, ҳашв

56. Аруз шеър тизимида ёпиқ бўғин охиридаги ундош вазн талаби билан ўзидан кейинги унли билан қўшиб ўқилиши нима дейилади?

А. Имола

*В. Васл

С. Рукн

Д. Ҳашв

57. Аруз шеър тизимида ёпиқ чўзиқ бўғин таркибида чўзиқ унли келса, қандай бўғин ҳосил бўлади?

А. Чўзиқ

В. Қисқа

*С. Ўта чўзиқ

Д. Қисқа – чўзик

58. Аруз шеър тизимида қўш ундош билан тугалланадиган бўғин қандай бўғин саналади?

А. Чўзик

В. Қисқа

С. Қисқа – чўзик

*Д. Ўта чўзик

59. Аруз шеър тизимида қисқа талаффуз қилинувчи унлидан иборат бўлган ёки шундай унли билан тугайдиган очик бўғинлар қандай бўғин ҳисобланади?

А. Чўзик

*В. Қисқа

С. Ўта чўзик

Д. Ватад

60. Аруз шеър тизимида чўзик талаффуз қилинувчи унлидан иборат бўлган ёки шундай унли билан тугалланган очик бўғинлар, шунингдек, таркибида қисқа унли бўлган ёпиқ бўғинлар қандай бўғин деб юритилади?

А. Қисқа

*В. Чўзик

С. Ўта чўзик

Д. Тугаланган

61. Арузшуносликда нима вазн яратувчи энг кичик унсур саналади?

*А. Сокин ва мутаҳаррик ҳарфлар

В. Жарангли ва жарангсиз ундошлар

С. Чўзик унлилар

Д. Жарангли ундошлар

62. Арузшуносликда мустақил ундош ёки чўзик унли ... ҳарф деб юритилади.

Тўғри жавобни топинг.

А. Мутаҳаррик

В. Жарангли

*С. Сокин

Д. Жарангсиз

63. Арузшуносликда ҳаракатланувчи, яъни қисқа унли олдидаги ундош ... харф деб юритилади. Тўғри жавобни топинг.

А. Сокин

В. Жарангсиз

С. Жарангли

*Д. Мутаҳаррик

64. Аруз тизимида сабаб, ватад ва фосилалар бирикувидан шеър мисраларини ҳосил қилувчи ... майдонга келади. Тўғри жавобни топинг.

*А. Рукнлар

В. Бахрлар

С. Ҳижолар

Д. Тақтеълар

65. Лутфийнинг:

Сенсан севарим: хоҳ инон, хоҳ инонма,

Қондур жигарим: хоҳ инон, хоҳ инонма

матлаъли ғазалининг баҳри кўрсатилган жавобни кўрсатинг.

*А. Ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфи маҳзуф

В. Ҳазажи мусаммани аштар

С. Рамали мусаммани маҳзуф

Д. Рамали мусаммани мақсур

66. Навоийнинг:

Замона кулфатидан бу кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди,

Бу чархи бемурувватдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди

матлаъли ғазали қайси баҳрда битилган?

А. Рамали мусаммани мақсур

*В. Ҳазажи мусаммани солим

С. Ражази мусаммани солим

Д. Музореи мусаммани солим

67. Бобурнинг:

Хаттинг аро узоринг сабза ичида лола,
Ул чашми пур хуморинг лоладаги ғазола

матлаъли ғазали қандай баҳрда битилган?

- А. Рамали мусаммани машкул
- В. Ҳафифи мусаддаси маҳбуни мақтуъ
- С. Рамали мусаммани мақсур
- *Д. Музореи мусаммани ахраб

68. Алишер Навоийнинг:

Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отунча уйқу келмади

матлаъли ғазали баҳри кўрсатилган жавобни белгиланг.

- А. Мутадорики мусаммани мақтуъ
- *В. Рамали мусаммани маҳзуф
- С. Мутақориби мусаммани маҳзуф
- Д. Ҳазажи мусаммани мусаббағ

69. Ҳувайдонинг:

Арзимни айтдим боди сабоға,
Еткурса ҳолим ул дилрабоға

матлаъли ғазали қайси баҳрда ёзилган?

- А. Ҳазажи мусаддаси мақсур
- *В. Мутақориби мусаммани аслам
- С. Ҳазажи мусаммани ахраб
- Д. Мунсариҳи мусаммани матвийи макшуф

70. Машрабнинг:

Кўрсат жамолинг мастоналарга,
Ишқингда куйган девонларга

матлаъли ғазали қайси баҳрда ёзилган?

- А. Рамали мусаддаси мақсур
- В. Ҳазажи мусаммани аштар

*С. Мутақориби мусаммани аслам

Д. Рамали мусаммани машкул

71. Увайсийнинг:

Меҳнату аламларга мубтало Увайсийман,

Қайда дард эли бўлса, ошно Увайсийман

матлаъли ғазали қандай баҳрда ёзилган?

*А. Ҳазажи мусаммани аштар

В. Рамали мусаддаси мақсур

С. Мутақориби мусаммани аслам

Д. Мутақорики мусаммани мақтуъ

72. Бобурнинг:

Оёғим етганча Бобурдек кетар эрдим вале,

Сочининг савдоси тушди бошима яна

байтида қандай бадиий санъат қўлланган?

А. Ўхшатиш

В. Сифатлаш

*С. Иттифоқ

Д. Жонлантириш

73. Алишер Навоийнинг:

Не бало эмиш сенинг ул хиром ила қоматинг,

Гаҳи суръатинг, гаҳи ноз бирла иқоатинг

матлаъли ғазали қайси баҳрда ёзилган?

*А. Комили мусаддаси солим

В. Рамалимусаддаси мақсур

С. Ҳазажи мусаммани аштар

Д. Мутақориби мусаммани аслам

74. Шеърда бир неча нарса – тушунча номи саналиб, кейин уларга ўхшаш, алоқадор, тааллуқли ёки мувофиқ келадиган бошқа нарса – тушунчалар келтирилиши ... дейилади. Тўғри жавобни топинг.

А. Сифатлаш

В. Анафора

*С. Лафф ва нашр

Д. Ўхшатиш

75. Маълум қофияланиш тартибиги эга бўлган икки ва ундан ортиқ мисрадан ташкил топган шеър бўлаги ... дейилади. Тўғри жавобни топинг.

А. Сифатлаш

В. Анафора

*С. Лафф ва нашр

Д. Ўхатиш.

76. Маълум қофияланиш тартибига эга бўлган икки ва ундан ортиқ мисрадан ташкил топган шеър бўлаги ... дейилади. Тўғри жавобни топинг.

А. Гекзаметр

*В. Банд

С. Баҳр

Д. Қофия

77. Арузшуносликда қофияда равийдан ташқари яна нечта унсур борлиги кўрсатилган?

*А. 8 та

В. 5 та

С. 6 та

Д. 3 та

78. Қофияда қайси унсурлар равийдан олдин келади?

*А. Ридф, қайд, таъсис, дахил

В. Васл, қайд, хуруж, ноира

С. Мазид, ноира, қайд, хуруж

Д. Хуруж, қайд, ноира, таъсис

79. Қофияда қайси унсурлар равийдан кейин келади?

*А. Васл, хараж, мазид, ноира

В. Ноира, васл, ридф, таъсис

С. Хуруж, ридф, таъсис, ноира

Д. Таъсис, мазид, ридф, қайид

80. Қофияни ташкил этувчи унсур нима?

А. Мисра

*В. Равий

С. Хуруж

Д. Таъсис

81. ”Шахар – сахар” сўзларида қайси харф равий ҳисобланади?

А. Ш ва с

*В. Р

С. А.

Д. Ҳ

82. Шеър мисраларида қофиядан кейин келувчи сўз, сўз бирикмаси нима дейилади?

*А. Радиф

В. Зулқофиятайн

С. Равий

Д. Таъсис

83. Шарқ шеърлятида ғазал, қасида каби шеърй жанрлар охиридаги якунловчи байт нима дейилади?

А. Матлаъ

*В. Мақтаъ

С. Радиф

Д. Қофия

1. Адабий тур нима?
2. Адабий жанр нима?
3. Сўз санъатида нечта адабий тур бор?

4. Эпос лирикадан қайси жиҳатдан фарқ қилади?
5. Драма ва эпос ўртасида қандай фарқ мавжуд?

Тест

1. Бадиий асарлар қайси жиҳатига кўра адабий турга ажратилади?

- A) Нутқий жиҳатига
- B) Тасвир предмети
- C) Қачон ёзилгани
- * D) A ва B

2. Дастлаб адабий асарлар қимнинг асарида турларга ажратилган?

- A) Фаробий
- B) Ибн Сино
- * C) Арасту
- D) Навоий

3. Қайси турдаги асарда кўпроқ инсон рухий кечинмаси ифодаланади?

- A) Ғазал
- B) Рубоий
- C) Ҳикоя
- * D) Лирика

4. Эпосда нима кўпроқ асос қилиб олинади?

- * A) Воқеа
- B) Табиат
- C) Руҳий кечинма

D) Ҳаракат

Не бўлди дардима, эй, бевафо, даво қилсанг,
Вафога ва'да қилиб, ва'дага вафо қилсанг.

Танимни қурб фазосида хокроҳ этдинг,
Бошимни васл эшикига ошно қилсанг.

Сунуб кўлимни юзингга, мурод этиб ҳосио,
Очиб юзунгни, кўзим ҳожатин раво қилсанг.

Висол авжи бийик, эй, кўнгул қуши, сен паст,
Етишмак анда не мумкин агар ҳаво қилсанг?

Жаҳон ғамин чу олур, бер қадахни, эй соқий,
Олурмен, икки жаҳон мулкига баҳо қилсанг.

Замона аҳли жафосин тағофул айларсен,
Алар тағофул этиб, кош сен жафо қилсанг.

Агарчи аҳли наводур, вале ул ой боқмас,
Навоийё, неча булбул каби наво қилсанг.

Ердин ҳижрон чекар ушшоқ зор, э дўстлар,
Неча тортай ҳажри чун йўқ менда ёр, э дўстлар.

Ёр ишқни асрағил пинҳон, дебон са'й этмангиз,
Ваҳ, не нав' этмуш йўқ ишни ошкор, э дўстлар.

Ишқ бирлан гар биров лофи вафою аҳд урар,
Ишвагарлар аҳдига йўқ э'тибор, э дўстлар.

Айламанг бекаслиғимни та'на, бир кун бор эди,
Ёр бирлан гашти боғу, лолазор, э дўстлар.

Ёрсиз вайронда йиғларман охир, сиз келинг,
Менда йўқ бир нозанин, чобуксувор, э дўстлар.

Ёрсиз ифрот ила гар йиғласам, айб этмангиз
Ким, эрур бу ишқ менга беихтиёр, э дўстлар.

Дўстлик айлаб тутинг гаҳ – гаҳ лаболаб жомким,
Қасди жон қилмиш менга дарди хумор, э дўстлар.

Май ичингким, даҳр эли ичра кўп истаб топмадик,
Аҳд – паймонида ўлғон уствор, э дўстлар.

Ёрингиз васлин ғанимат айлабон шукр айлангиз
Ким, Навоий ўлди бекасликда зор, э дўстлар.

Кўнглум олғач, ул пари мажнун шайдо қилдилар,
Ақлу ҳушимни жунун даштида яғмо қилдилар.

Ўзгача зулму тааддилар блан қоним тўкар,
Турфа эрди, турфа ишлар доғ пайдо қилдилар.

Ҳурмати такво тутар эрди, вале маст отланиб,
Бошима чопмоқ блан оламга расво қилдилар.

Оҳким чектим кўриб жавлонини беихтиёр,
Ёширин ишқим улусқа ошкоро қилдилар.

Беҳуд ўлғач зулфи зиннориға жон нақдин бериб,
Ишқ бозарида кўнглум турфа савдо қилдилар.

Мен мену эмди фано дайрида бўлмоқ майпараст,
Мў'бача ишқи улусқа ошкоро қилдилар.

Гар ватан дайр ичра қилдим кимсага йўқ ҳеч айб,
Дайр пиридан Навоий бу таманно қилдилар

Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони,

Қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони.

Сун, эй соқий, майинг охиргача – жаннатда топмайсан
Бу Рукнобод кирғоғидаги сўлим Мусаллони.

Шу алдоқчи, қизиқчи, фитначи шўхлар қўлидан дод,
Кўнгулдан элтдилар сабрим қилиб туркларча яғмони.

Менинг нуқсонли ишқимга унинг ҳусни эмас муҳтож,
Гўзал юз ҳеч талаб қилмас бўёқ ҳам зебу орони.

Гапир чолғучиликдан, майдан – жаҳон сирриникам изла,
Ечолмас ҳеч киши ҳиқмат – ла бу оғир муаммони.

Мен ул Юсуфдаги чексиз гўзалликдан аниқ билдим:
Чиқормиш ишқ номус пардасидан ул Зулайхони.

Ёмон, дединг, қувондим ман, Худо ҳаққи, сўзинг тўғри,
Гўзалроқ айлади аччиқ сўзинг лаъли шакархони.

Насиҳат тинглагил, жоно, тутурлар жону дилдан дўст
Ақлли, бахтли ёшлар ҳурмат айлаб кекса донони.

Ғазал этдинг – у дур сочдинг, ёқимли куйла, эй Ҳофиз,
Фалак назмингга гавҳардек нисор этсин Сурайёни.

Чолғучи, айлагил наво янги ва янги, хилма – хил,
Изла шароби дилкушо янги ва янги, хилма – хил.

Кўнглинг очувчи ёр ила, хилват ўтир нигор ила,
Бўса – ла ком этиб раво, янги ва янги хилма – хил.

Менга тилак бўлурми ром, кўтармасанг қадаҳ мудом,
Ёди – ла майни ич расо янги ва янги, хилма – хил.

Нима қилсанг, гўзал пари, қилгуси мен учун бари
Ранг ила ўсмаву ҳино янги ва янги, хилма – хил.

Тонг ели, эссанг ҳар қачон гар ўша дилбарим томон,
Ҳофизнинг арзин эт адо янги, хилма – хил.

Гул ёнда – ю май кўлда, рафиқ дилбари жондур,
Менга бу каби кунда ғулом шоҳи жаҳондур.

Айт: шамъ кетирмангиз – у базм ичра бу оқшом,
Ой юзли гўзалнинг юзи мажлисда аёндур.

Гар мазҳабимиз бода ҳалол дер эди, лекин,
Эй сарв, юзинг бўлмас экан, бода ёмондур.

Доим қулоғим банд наю нағмаю чангга,
Лаъли лабу жом даврига кўзлар нигарондур.

Мажлисга атр ҳожат эмас, жонни димоғи
Ҳар лаҳза сочинг исларидан атрга кондур.

Қанд ила шакар қанча ширин бўлса, дам урма,
Ширин лабинг орзуси менга вирди забондур.

Ул чокқи, ғаминг хазинаси жой олди дилимда –
Шундан бери мен кулга хароботда макондур.

Сўз қилма уятдан – мени расволигим ундан,
Сўрма отим – ул от мени шармимга зиёндур.

Оч кўзникни, ринд, майхўри оввора десанг – биз,
Бу шаҳрда биздек эмас ул кимса қаёндур?

Айбимни дема мухтасиб олдидаки, ул ҳам
Биздек қиладур айш талаб қанча замондур.

Ҳофиз, маю маъшуқасиз ўлтурма замоне –
Ким, ёсуману гу чоғи, ийди рамазондур.

Юзларинг акси тушиб бода тўла жом ичра,
Кулди май, сўфайни қўйди тамаъи хом ичра.

Топди май шуъласидан хониш ила нағма ривож,
Тушди бир нурки соқий юзидан жом ичра.

Ғайрати ишқ кесар хос кишиларнинг тилини,
Йўқса ким фош этадур сирни элу ом ичра.

Бағри ёнган мен – у, дилбар қараши бошқа менга –

Бу гадога нима лойиқ кўрур инъом ичра.

Тўғри кўргучи етар поклик ила мақсадга,
Эгри кўргучи тушибдур тамаъи хом ичра.

Ўйнаб – ўйнаб, уни ғам тиғини кутмак лозим,
Ким унинг – чун бўладур яхши саранжом ичра.

Осилиб зулфингга ул чоҳи занахдон чикди,
Оҳки, чохдан қутилиб, тушди яна дом ичра.

Мени кўрсанг керак, эй сўфий, ибодат уйида,
Фикримиз соқий юзию кўзимиз жом ичра.

Мен харобот сари кетмасдим ибодат уйидан,
Солди тадир мени бу ҳолга элу ом ичра.

На қилур юрмаса гардиш четида паргордек,
Тушса ҳар кимсаки бу гардиши айём ичра.

Сўфийлар барчаси бир фикрдадирлар, леки,
Қолди бу ўртада Ҳофиз номи бадном ичра.

Ҳар нечаким юзларинг ой, кунга нисбат қилдилар,
Суратинг кўрмай туриб, тахмин – ла тухмат қилдилар.

Ишқимизнинг шўришидан зарра миқдориндадир
Ҳар наким Фарҳоду Шириндан ҳикоят қилдилар.

Жон бағишлар юзи гулларнинг оёқ гарди иси,
Онглилар ундан димоғин чоғу роҳат қилдилар.

Қарға, кузгун ов учун боғлаб боқишга арзимас,
Лочину қирхйни аммо шундай иззат қилдилар.

Боқмангиз риндларни таҳқирлаб, сафол деб косаси,
Бу харифлар жоми Жам базмида хизмат қилдилар.

Қилмади мужгон ўқи ҳам жодугар афсунлари,
Жаврларким, зулфу мушкин холинг одат қилдилар.

Бизга бир бўса етарди – қилмади рухсат лабинг:
Бу ширин лаблар мудом шундай ишорат қилдилар.

Соқиё, май бер – азал тақдирининг тадбири йўқ,
Ҳеч бир ўзгармаслигин таъкиду хужжат қилдилар.

Ўтли, пардозли юзи бирла гўзаллар дам – бадам
Сўфийларнинг дил билан динини ғорат қилдилар.

Мақтади эҳсонларнинг шеърида Ҳофиз ҳар қачон,
Тинглаганлар шеърини таҳсин – у раҳмат қилдилар.

Кўнгилда лабингни шавқи, жоно,
Лаълингдан унга недир таманно.

Шавқинг майи, севгининг шароби
Дил шишасида бори ҳувайдо.

Зулфингни асирларига доим
Дард ила балони доми маъво.

Дилдорим оти недир, сўрадим,
Менга сира учрамас у барно.

Андиша қилувчи юрту элдан
Ёри ила ўлтиролмас асло.

Шод ул кишининг дили ҳамиша дилдор ила айши бўлса барпо.

Бир ноз ила ов қилишга дилни,
Гул узра бинафша бўлди оро.

Ҳофиз, шу кўнгилли дам ғанимат –
Асбоби тараб бори муҳайё.

Саҳарда булбул арз этди сабога, гул ишқи, деб биз бенавога.

Эрурман нозанни эҳсонига қул,
Қилур у яхши иш кетмай риёга.

Хайрли бўлсин унга тонг шамоли,
Даво қилди тун йўқ бедавога.

Сира бегоналардан нолимасман,
На бўлса – етди дўстдан ошнога.

У сунбул зулфи гулдан парда очди,
Тугундан гунча чикди соф ҳавога.

Юзу рангин кўриб, қон бўлди кўнглим,
Дучор ўлдим тикан отлиғ балога.

Қилур ҳар жойда булбул оҳу афғон,
Маза бу ўртада боди сабога.

Кутиб султондан эҳсон янглишибман,
Жафо кўрдим ялингач бевафога.

Бориб май сотқучига хуш хабар бер –
Ки, Ҳофиз юрмагай энди риёга.

Сарви равоним не учун қилмайди ҳеч майли чаман?
Бўлмайди ҳамдам гул билан, ёдига келмайдур суман?

Кўп вақт эрур дайди дилим боғланди – кетди зулфига,
Ушбу узоқ сайридан у қилмайди ҳеч азми ватан.

Ё қошларин қаршисида қанча хушомадлар қилай?
Бермайди ҳеч сўзга қулоқ, доим тағофул қилди фан.

Гарчи бинафша зулфлар тўзди шамол ила бу чоқ,
Кўнглим унинг ёди билан қайтмайди ҳеч ўз аҳдидан.

Ёғди этаклардан гулоб, ҳайрон эрурманким, сабо
Ўтган йўлин туфроқларин қилмас нега мушки Хўтан?

Лойиқ кўриб соқий агар сунса тўда коса захар,
Ким май каби ичмас уни, бўлмай оғиз жону бадан?

Рухсори орзусида дил жон бирла ҳамдам бўлмади –
Тан хизматин қилмайди ҳеч, жондир унинг шавқи билан.

Мен зулфидан қилдим гила, хийла йўли – ла у менга
Дедиеи: “Бу эгри қора олмас сўзимни ҳеч қачон.

Тортғил қўлинг, қилма жафо, оқмиш кўзимнинг ёмғири –
Кўз ёшларим қилмай мадад, бўлмайди ҳеч дурри Адан”.

Гамзангга бўлмишдир фидо, Ҳофиз ўғитни тингламай,
Тиғ ила ўлмакка сазо ҳар кимки сўз уқмас экан.

Домлалар минбар уза сўз қилса такрор ўзгача,
Айлагай хилватда турли фитна бедор ўзгача.

Ушбу мажлиснинг билимдонига бор мушкул савол:
“Тавба бергучига тавба не учун ор, ўзгача?”

Миндир ўз эшшакларига янги бойларни бу чоқ,
Кул хачирга фахр этиб, ноз айлар изҳор ўзгача.

Хонақоҳнинг соили, кел, ўтпарастлар дайрида
Бир қадаҳ – ла дилни айла бою дедор ўзгача.

Ҳусни бепоёни қанча ошиқин қилса ҳалок,

Янги ошиқлар келиб, бўлгай гирифтор ўзгача.

Дод шу гавҳар билмаган саррофларининг дастидан –
Ким, эшакмунчокни дур деб, қилди бозор ўзгача.

Аршдан тонг чоғида келди товуш, ақл унга дер:
“Ёд олур кўкда малак Ҳофиздан ашъор ўзгача!”

Тургил, олтин косани май қуйиб, обод айла,
Тўлажак бош косаси тупроқ ила – ёд айла.

Охири манзил экан бизга шу жимлик водий,
Еру осмонга солиб ғулғула – фарёд айла!

Шу бошинг ҳурмати, эй сарв, гар ўлсам тупроқ,
Нозни қўй, соя солиб, тупроғими шод айла!

Дилга етган сенинг ул зулфинг илонидан алам,
Қил лабинг унга шифо, дардидан озод айла!

Кўз ёшим бирла ювиндим, бунга дер дарвешлар:
Тозалан аввал ўзинг, покни кейин ёд айла!

Ё Раб, ул зоҳиди инжиқки, кўрур айбни фақат,
Фаҳму идрок йўлига уни иршод айла.

Фикри ифлоснинг кўзи тушмас ул жонон юзига,
У гўзал юзни дилинг пок тутиб ёд айла.

Гулдек ул гул исидан тунни қабо қил, Ҳофиз,
Тунни пояндози ул қомати шамшод айла.

Қайси уйнинг шамъидир у, қайси жойда хонаси?
Ўртади жонни, сўранг, кимнинг эрур жононаси?

Бу замон дину дилимни хонавайрон айлади,
Билмадим кимнинг эрур у мунису ҳамхонаси?

Лабларинг бодаси ҳаргиз лабимдан кетмасун,
Кимга сўз бермиш вафодан – май тўла паймонаси?

Ул саодат шамъининг базми эрур кимга насиб,
Сиз, Худо ҳаққи, сўранг, кимдур унинг парвонаси?

Ҳар киши афсун билан тортмоқчи, аммо билмадик,
Тортадур нозик дилин кимнинг ширин афсонаси?

Ё Раб, ул ой юзли юлдуз чехрали олий нишон,
Қайси коннинг гавҳари, кимнинг эрур дурдонаси?

Қилди ичмасдан лабининг бодаси дилни хароб,
Кимга улфат, ким эрур ҳамкоса, ҳампаймонаси?

“Оҳким, Ҳофиз дили девонадур сансиз”, - дедим.
Шўх табассум бирла: “Бу кимнинг, - деди, - девонаси?”

Бир дилбари жононимиз олди – ку дилу жонимиз,
Олди – ку дилу жонимиз бир дилбари жононимиз.

Берса ўпич жононимиз қайта тирилгай жонимиз,
Қайта тирилгай жонимиз, берса ўпич жононимиз.

Чин равзаи ризвонимиз ёр эшигин тупроғидир,
Ёр эшигин тупроғидир чин равзаи ризвонимиз.

Бизнинг дили ҳайронимиз ошуфтаю шайдосидир,
Ошуфтаю шайдосидир бизнинг дили ҳайронимиз.

Ул Юсуфи Канъонимиз ҳусн иқлимининг шоҳидир,
Ҳусн иқлимининг шоҳидир ул Юсуфи Канъонимиз.

Сарви боғу бўстонимиз зебо, келишган қомати,
Зебо, келишган қомати сарви боғу бўстонимиз.

Шу Ҳофизи хушхонимиз фазлу камол тимсолидир,
Фазлу камол тимсолидир

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январ қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” номли маърузаси Т., “Ўзбекистон”, 2010
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий - иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январ мажлисидаги “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаси Т., “Ўзбекистон” 2010
3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.:Ўзбекистон, 1997.
4. Каримов И.А.Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. -Т.:Ўзбекистон, 1998.
5. Каримов И.А.Хушёрликка даъват.-Т.:Ўзбекистон, 1999.
6. Каримов И.А.Бизнинг бош мақсадимиз -жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир (Ўзбекистон Республикасининг иккинчи чақириқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси).-Т.:Ўзбекистон, 2005.
7. Каримов И.А.Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида.-Т.:Ўзбекистон, 2005.
8. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маъруза, 2007 йил 30 август).-Т.:Ўзбекистон, 2007.

- 9.Каримов И.А.Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.:Маънавият, 2008.
10. Каримов.И.А. Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини акс эттиришдир.
11. Т., 2008.
12. Каримов И.А Адабиётга эътибор-маънавиятга, келажакка эътибор
13. Т., “Ўзбекистон” -2009
14. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози,Ўзбекисто шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.
15. Алишер Навоий. Махбуб ул-қулуб.-Т.:Ғофур Ғулом номидаги нашриёт, 1993.
- 16.Қадимги туркий ёзма ёдгорликларида нутқ маданияти ва нотиклик.
- 17.Қуръони каримда тил ва нутқ маданияти ҳақидаги таълимот.
18. Ҳадиси шарифларда нутқ одоби ҳақидаги ҳаётий кўрсатмалар.
19. Халқ оғзаки ижодиёти намуналари нутқ маданияти манбаларидан бири сифатида.
20. “Алпомиш” достонида миллий тил гўзаллиги ва тил одоби ҳақидаги мушоҳадалар.
21. Ўбек халқ мақолларида тил ва нутқ маданияти муаммолари.
22. Маҳмуд Қошқарийнинг “Девону луғатит турк” асарида тил ва нутқ маданиятига оид маълумотлар.
23. Юсуф Хос Ҳожибнинг Қутадғу билиг” асарида нутқ одоби сабоқлари.
24. Аҳмад Яссавий ҳикматларида тил ва сўзга муносабат.
25. “Қобуснома”да нутқ маданияти одамгарчиликнинг бир хусусияти сифатида.
26. Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонида сўз, сўзнинг аҳамияти, нутқ маданияти ва нутқ одоби ҳақидаги фикрлар.
27. Алишер Навоий қитъаларида нутқ одоби ҳақидаги ўғитлар.
28. Алишер Навоий рубоийларида нутқ маданияти ғоялари.
29. “Махбуб ул-қулуб” асарида шарқона муомала маданияти сабоқлари.
30. Заҳириддин Муҳаммад Бобур шеърларида сўз ва нутқ ҳақида лирик-фалсафий мушоҳадалар.

31. Сўфи Оллоёр назмида нуктадонлик ва сўзамоллик ҳақидаги сабоқлар.
32. Ўбек ҳурфикр (демократ) ва жаҳид ижодкорларининг она тили ҳамда миллий нутқ ҳақидаги қарашлари.
33. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жидлик. Ж.13. – Т.: ”Фан”, 1997.
34. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жидлик. Ж.14. – Т.: ”Фан”, 1998.
35. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жидлик. Ж.15. – Т.: ”Фан”, 1999
36. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жидлик. Ж.15. – Т.: ”Фан”, 1999
37. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жидлик. Ж.16. – Т.: ”Фан”, 2000
38. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жидлик. Ж.17. – Т.: ”Фан”, 2001
39. Маллаев Н.М. Ўбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. – Т.: “Ўқитувчи”, 1976.
40. Ўбек адабиёти тарихи. Беш жидлик. Ж.2.-Т.: ”Фан”, 1977.
41. Хаитметов А. Илк Навоийшунослар // Навоийга армугон. К.2.-Т.: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси, 2000.-Б.7-15
42. Валихожаев Б. Мумтоз сиймолар. – Т.: “Мерос”, 2003. – Б. 129 – 185.
- 43.10. Болтабоев х. Мумтоз сўз қадри. Адабий – илмий мақолалар. – Т.: “Адолат”, 2004.
44. Навоийнинг ижод олами. Мақолалар тўплами. – Т.: ”Фан”, 2001.
45. Воҳидов Р., Эшонкулов Х. Ўбек мумтоз адабиёти тарихи. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси, 2006.
46. Ғаниева С. Навоий насри малохати. – Т., 1993.
47. Қайумов А. Асарлар. Ж.3. – Т., 2009